



Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.
Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Хабар

4
(749)-son

26-yanvar

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2007

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

Электрон тижорат

ИҚТИСОДИЙ

МУВАФФАҚИЯТ

ДЕМАҚДИР

Мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий реформалар халқ ҳўжалигининг етакчи соҳаларини либераллаштиришга қаратилган бўлиб, электрон тижорат соҳаси ҳам бундан мустасно эмас.

Ушбу жараён корхоналар фаолиятини йўлга қўйишда ўзгарувчан ташқи омилларни ҳамда корхоналарнинг мижозлар талабини қондириш имкониятларини ҳисобга оладиган қатъий ёндашувли жуда долзарб масаладир. Бугунги кунда ташқи бозорга интеграциялашувда машҳур фирма ва компанияларнинг имижки катта аҳамиятга эга бўлиб, ўзига хос корпоратив шакл глобал бозорда ривожланиш имконини беради. Бозор муҳитини тинимсиз назорат қилмай туриб, бизнесни муваффақиятли юритиб бўлмайди. Аммо, шу ўринда, қандай қилиб компания менежерлари харидорлар талабларининг ўзгаришини билиши мумкин, деган савол пайдо бўлиши табиий.

Бу каби масалаларни ечишда замонавий ахборот технологиялари биринчи галда ёрдамга келади. Ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, асосий вазифани Интернет ва компютер ахборот тизимлари бажаради. Жумладан, Интернет — тижорат веб-сайтлари эгаларининг янги харидорларни, дистрибуторлар ва ишбилармон шерикларни жалб қилишида, савдо бозорларини кенгайтириш ва корхона учун самарали рекламани таъминлашида кенг имкониятлар яратиб бера олишини таъкидлаб ўтиш лозим.

2-БЕТ ➔

Ушбу сонда:

ИЖТИМОЙ
ҲАМКОРЛИК
САМАРАСИ

3-БЕТ ➔

КИБЕРНЕТИКА,
АХБОРОТЛАШ-
ТИРИШ ВА ҲАЁТ

4-5-БЕТЛАР ➔

27 МЛРД СУМОВ -
НА ОБУЧЕНИЕ

6-БЕТ ➔

ҚУВОНЧ
ХОРАЗМДА ҲАМ
ТЕЛЕРАДИОДАСТУРЛАР
СУЊБЙЙ ЙЎЛДОШ
ОРҚАЛИ УЗАТИЛМОҚДА

12-БЕТ ➔

ПОЧТАЧИ
МАЙНАЛАР

13-БЕТ ➔

БАҲОР КЕЛИБ,
ЖИЙДА ГУЛЛА-
ГАНДА...

16-БЕТ ➔




Интернет
ҳамкорларимиз

Uz Net

Internet Service Provider

— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернетни

JUMADAN — JUMAGACHA

✓ **ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президент Ислоом Каримовнинг Сингапур Республикаси Президент Селлапан Рам Натанинг таклифига биноан ушбу мамлакатта қилган давлат таширифи бутун якувланади.**



Учрашувлар чоғида томонлар Ўзбекистон-Сингапур муносабатларини кенгайтиришда оид масалаларни, ўзларини қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама қилди.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

✓ **МАТБУОТДА "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури тўғрисида** ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори эълон қилинди.

Қарорда 2007 йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қиламларини янада кенгайтириш ва кучайтириш, аҳолининг муҳтож тоифалари ва оилаларга, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ, табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, аҳоли даромадлари даражасидаги фарқларнинг кескин ошишига йўл қўймаслик, жамиятда ҳамжихатлик, эзгулик ва меҳр-шарфат муҳитини қарор топтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чоратadbirlar комплексини амалга ошириш борасидаги вазифалар белгилаб берилган.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда, Тошкент шаҳрида ва туманлар (шаҳарлар) да Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари бошчилигида Дастурни амалга ошириш бўйича тегишли комиссияларни ташкил этиш, улар зиммасига Дастур тadbirlarининг сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилиши устидан ҳар ойлик мониторинг ва қатъий назорат олиб бориш вазифаси юклянди.

✓ **ЯҚИНДА Республика Байнаамилал маданият маркази ўзининг 15 йиллигини тантанали нишонлади.** Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президент Ислоом Каримов "Республика Байнаамилал маданият маркази ташкил этилганнинг 15 йиллигига бағишланган тантанали йилгилиш қатнашчилари"га табрик хати йўлади. Хатда, жумладан, шундай дейилади:



"Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, Республика Байнаамилал маданият маркази ўз фаолияти давомида мамлакатимизда миллиятлараро ва фуқаролараро тотувлиқни янада мустаҳкамлашга қаратилган янги гоя ва ташаббуслар пайдо бўлаётган ҳақиқий дўстлик уйига айланди."

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра, миллий-маданий марказларнинг бир гуруҳ фаоллари ҳукуратимизнинг фахрий унвони ҳамда орден ва медаллари билан тақдирляниши.

✓ **МАТБУОТДА** Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ишларининг боришини урганиш ва бу борадаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга доир чора-тadbirlar ишлаб чиқиш масалалари бўйича Ишчи гуруҳини ташкил этиш тўғрисида" ги Фармойиши эълон қилинди.

✓ **МАЗКУР** ҳафтада Самарқанд автомобил заводи конвейеридан дастлабки "Исузу" автобуси чиқди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанали тadbирда "Исузу" Моторс лимитед" компанияси ва Самарқанд автомобил заводи ўртасида техника ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Унда "СамАвто" заводида автобус ва кичик юк машиналарини ишлаб чиқариш технологияларини тақдим этиш кўзда тутилган. Эътиборлиси, аниқ дастурга кўра, жорий йилнинг ўзида 1500та турли модификациядаги автомобил ишлаб чиқарилади. Устувор лойиҳада эса, бу миқдорни йилга 4 минг донга етказиш кўзда тутилган.



✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг оқсак ютуқларини кенг омалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгиқа ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" халқаро танловини эълон қилди.

Танлов голиблари учун мукофотлар таъсис этилган. Голибларни мукофотлаш 2007 йил 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кўни тантанали равишда ўтказилади.

● AXBOROTLASHTIRISH TIZIMI

Электрон тижорат
иқтисодий муваффақият

(Давоми. Бошланғиши 1-бетда.)

Сўнгги йилларда республикада ахборот-коммуникация тизимлари тармоқлари ва маълумотлар базаларининг яратилиши ва ишлатилишини тартибга солувчи кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётта таъбиқ қилинди. «Ахборотлаштириш ҳақида», «Электрон тижорат ҳақида» ги қонунлар, «Компютерлаштириш» ни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ҳақида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, шунингдек, Компютерлаштириш ва ахборот технологияларини 2002-2010 йилларда ривожлантириш Дастури шулар жумласидандир. Албатта, ушбу қонун ва меъёрий ҳужжатлар доирасида юритилаётган фаолият ҳар бир жабада етакчи ўринга чиқишимизни таъминловчи ҳуқуқий ҳимоя вазифасини ўтайди.

Хўш, иқтисодий тарқорорликка элтувчи, деб таъриф этилаётган электрон тижорат нима ўзи? Бу — компютерда бизнесни боқариш демакдир.

Web серверлар ва маълумотлар базаси асосида самарали электрон савдо тизимини ташкил этиш мумкин. Электрон тижорат бу — бизнесни юритишнинг энг замонавий усули бўлиб, фирмаларга, улғурчи савдогарларга чиқимлари қисқартириш, товарлар ва хизматлар сифатини ошириш, уларни охириги истеъмолчига етказиш суръатини тезлаштириш имконини беради.

Электрон савдо ёрдамида

кўшимча биуртмачиларни жалб қилиш ҳисобига даромадларни ошириш, таннархни камайтириш, товар ҳаракати жараёнини қисқартириш, хизматлар сифатини яхшилашга эришиш мумкин. Электрон тўловларни қайта ишлаш, тижорат маълумотларини узатишнинг хавфсизлиги ва махфийлик каби маълумотлар эса кўп миқдорда дастур таъминоти ёрдамида ечилиши мумкин.

Бугунги кунда Интернетдаги янги уланишларнинг 90 фоизи тижорат ташкилотлари томонидан амалга ошириляпти. Маълумотларга қараганда, Интернетда электрон савдодан фойдаланувчи харидорлар сони 1996 йилдаги 3,8 млн.дан 2000 йилда 45,6 млн.га кўпайди. 2000 йилда электрон тижоратнинг умумий ҳажми 100 млрд. доллар даражасида бўлди. Глобал тармоқ орқали харидларни амалга оширувчилар сони 40 фоизни ташкил этади.

Шу ўринда электрон савдодаги жиддий муаммоларга ўхталиб ўтиш жоиз. Бу электрон тўловлар ва уларнинг хавфсизлиги масаласидир.

Мутахассисларнинг фикрича, ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ўсишда давом этиб, компютерларни ишлатиш мукамаллашиб бормоқда. Албатта, бу фойдаланувчи учун қулайлик яратди. Web-сайтлар орқали электрон тижоратнинг тезкорлиги ошади ва оммавийлашади.

Исталган фирма ёки қорхона учун махсулот сотиш ва сотиб олишда электрон тижоратдан

қулай усул йўқ. Масалан, ушбу савдо орқали оддий парфюмерия махсулотларини сотиш ва сотиб олиш учун яратилган web-сайтларга мурожаат этиш даркор. Ихчам, чиройли, сифатли махсулотга миқоз талаби кескин ошиши кузатилади. Чунки, парфюмерия воситаларининг миқдори, турлари, сифати ушбу сайтларда ўз аксини толган. Шунингдек, ушбу махсулотлар доимий, харидориг, фойдаланувчилари сони кўпчилиқни ташкил этади.

Реклама саҳифаси ихтиёрлий ташқи матнда процессор, ноширлик тизими ёки компютер тақдими дастурларидан фойдаланган ҳолда яратилади. Яратилган ушбу саҳифа орқали фотосуратларни, видео, аудио, мултимедиа ёниқи исталган кўргазмаларни намойиш этиш мумкин.

Инсоният ахборотлаштириш соҳасида ҳақиқий инқилобий ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқда, умумжаҳон ахборотлашган жамияти шаклланоқда. Бу ўзгаришлар асосини ахборотлаштириш, телекоммуникация ва компютер технологиялари негизида ахборотни узатиш ҳамда истеъмолчига етказиш бўлиб беришнинг энг замонавий ва самарали воситалари дунёга келаятганлиги ташкил этади. Электрон тижорат эса иқтисодийни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи замонавий соҳа бўлиб, инсоният учун фойдали ва қулай хизмат турларини тақлиф этади.

Эътибор ИСОҚОВА,
ТАТУ магистри

● GAZETADA BOSILMASA HAM...

Чора кўрилди

Тахририятимизга Хусанбой Тожиматовдан "Почта қутиси думалаб қопти" сарлаҳали мактуб келган эди. Айрим кўча ва хиёбонлардаги почта қутиларининг ҳолати тилга олинган мазкур мактубдаги фактларни текшириш учун "Ўзбекистон почтаси" ОАЖга юборилган эди. Яқинда мазкур мактуб юзасидан тахририятга "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимов ва "Тошкент почтамати" филиали директори Ю.Мирсоатов имзоси билан қуйидаги жавоб мактуби келди:

"Жорий йилнинг 10 январ кўни жамиятга жўнатилган Х.Тожиматовнинг "Почта қутиси думалаб қопти" сарлаҳали мактуби ходимларимиз томонидан ўрганиб чиқилди. Мактубда муаллиф тилга олиб ўтган манзиллар бўйича текширув олиб борилди. Текширувда аниқлинишича, «Гранд Мир» (олдинги «Россия» меҳмонхонаси) рўпарасидаги 230-сонли почта қутиси "Ўзбекистон ҳаво йўллари" ДАК касаллари ёнига, яъни 50 метрга кўчирилган. Геология қўмитаси ходимлари касаса уюшмаси кенгаши эшиги ёнидаги 39-сонли почта қутиси Т.Шевченко кўчасидаги 15-уй ёнига, яъни 100 метрга кўчирилган.

15-алоқа бўлими ва унинг олдидаги 37-сонли почта қутиси, алоқа бўлими биноси бузилганлиги сабабли, Миробод ҳокимияти биноси

га кўчирилган, бу ҳақда эски бино жойлашган ерга эълон ёзиб қўйилган.

Почта қутиларидан фойдаланиш ҳолати 2006 йилнинг уч ойи давомида ўрганилиб, таҳлил қилинган ва 140дан ортиқ қутиларнинг жойлари ўзгартирилган, чунки қутиларга ҳафталар, ойлар давомида биронта ҳам хат тушмаган.

Шимоллий вокзал рўпарасидаги озиқ-овқатлар дўкони ("Матбуот" дўкони) олдидаги 289-сонли почта қутиси таги билан кўпорилиб ташлангани ўрганилиб, қуйидагилар аниқланди: 5 январдан 6 январга ўтар кечаси номаълум шахслар томонидан почта қутиси йиқитиб кетилган. 6 январда почта қутиларидан хатларни йиғиб олувчи ходим Миралез Каримов томонидан почта саралаш ва айирбошлаш участкаси бошлиғи С.Ровнягинага ёзма равишда маълумот берилган, аммо участка бошлиғи почта қутисини қайта тиклаш учун етарли чора кўрмаган.

Почта қутиси яроқсиз ҳолга келтирилганлиги сабабли 2007 йил 12 январ кўни бошқасига алмаштирилди. Участка бошлиғига нисбатан эса жазо чоралари кўрилди."

ТАХРИРИЯТДАН:

Почта ҳам инсонлар ҳаётида гоят муҳим алоқа воситасидир. Техникаси қанчалар ривожланган жамиятда яшамайлик, алоқа воситалари ва унинг турлари қанчалик кўпаймасин, хилма-хил алоқа қуролларига эга бўлмайлик, барибир, ҳаётимизда, кундалик турмушимизда почтанинг ўзига хос ўрни бор. Шундай экан, почта қутиларини асраб-авайлаш нафақат шу соҳа ходимларининг, балки барчамизнинг инсоний бурчимиздир. Чунки, почта қутиларидан ўзимиз фойдаланамиз. Демак, улар сизу бизнинг мулкимиз. Ўз мулкимизга эътиборсиз бўлмайлик.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва қонуний ҳақ-ҳуқуқларини, эркинликларини ва манфаатларини қатъий муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқий билим савиясини ва маданиятини ошириш, корхона ва ташкилотларда меҳнат, бандлик ва меҳнат муҳофазаси қонунчилигида назарда тутилган ижтимоий кафолатларни жамоа келишувлари ва шартномалари орқали янада ривожлантириш ва такомиллаштириш касаба уюшмалари фаолиятининг асосий мақсади ва бош йўналишларида бири ҳисобланади.



жаришида масъулиятини ва шахсий жавобгарлигини янада кучайтиради. Алоҳида таъкидлаш жоизки, тармоқ касаба уюшма ташкилотлари томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояланганини, уларнинг ишлаш ва яшаш шароитини янада яхшилашни, уларда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яққол билиб олиш кўникмаларини шакллантиришга масъулият билан ёндашилмоқда. Соҳа ходимларини қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ва ифодалашда жамоавий келишувлар ва шартномаларнинг аҳамияти тобора ошмоқда. Ўтган йили соҳада 1та тармоқ, 3та тариф келишуви ва 167та жамоа шартномаси тузилган бўлиб, уларнинг бажарилиши юзасидан доимий кузатув

технологиялари университетда ушбу йўналишда ибратли ишлаш амалга оширилмоқда. Ушбу ташкилотларда барпо этилган сўхатгоҳларда ўтган беш йилда 4600 нафардан зиёд алоқа ходими ўз соғлигини тиклади.

Давлатимиз мустақиллиги туфайли кейинги йилларда бир қатор ривожланган мамлакатлар касаба уюшма ташкилотлари билан бевосита алоқа ўрнатиб, уларнинг илгор иш тажрибасини қўллаш имкониятига эга бўлди. Белгия, Германия, Туркия, Япония, Малайзия каби давлатлардаги касаба уюшмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилмоқдамиз. Биз ўз имкониятимиз ва менталитетимиздан келиб чиққан ҳолда, хорижлик ҳамкасбларимизнинг самарали иш услуби ва илгор иш тажрибасидан фаолиятимизда фойдаланамиз.

Ҳозирги пайтда Европа касаба уюшма ташкилотларида бўлгани каби тармоқдаги барча касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий ҳолати ҳақидаги маълумот баъзисини яратиш ишлари поёнига етказилмоқда. Марказий кенгаш ва жойлардаги касаба уюшма таш-

● 2007-ҲИЛ — ҲТМОИҲ НИМОҲА ҲИЛИ

ИҲТИМОИҲ ҲАМКОРЛИК ВА МАРАСАИ

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси касаба уюшмалари бугунги кунда ўз сафларида 56 мингдан зиёд аъзони бирлаштиради. Сўнгги йиллардаги таркибий ўзгаришлар ва янги технологияларнинг жорий этилишига қарамасдан касаба уюшма аъзоларининг сон ва сифат жиҳатдан барқарорлиги таъминланмоқда. Ижобий натижаларнинг асосий омилли соҳада иш берувчилар билан ижтимоий ҳамкорликнинг тўғри йўлга қўйилганлигидир.

Аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 59-моддасига ва амалдаги қонун ҳужжатларига таянган ҳолда, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 2005 йил ноябр ойида бўлиб ўтган IV Қурултойи қарорларига ҳамда тармоқ касаба уюшмасининг янги тахрирдаги Устав ва Ҳаракат дастурига мувофиқ, иш берувчилар билан ўзаро тенглик ва ҳамкорлик асосидаги ижтимоий шерикчиликни йўлга қўйиб, жамоа келишувлари ва шартномалари орқали ходимларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш масалаларига фаолиятимизнинг бош йўналиши сифатида алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бунда тармоқ ва тариф келишувлари, жамоа шартномалари ва бошқа ички, маҳаллий ҳужжатларда ходимлар учун яратилган кўшимча имтиёзлар ва афзалликлар доирасини тобора кенгайтиришга, жамоа шартномаларида белгиланган имтиёзлар ва афзалликлардан ҳар бир ходимнинг тўла фойдаланишини таъминлашга ҳаракат қилинмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг тавсияларига мувофиқ, 2006-2008 йилларга мўлжалланган тариф келишувлари «Ўзбектелеком» АК, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва «Матбуот тарқатуви» АК билан тузилиб, бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Шунингдек, алоқа соҳасидаги асосий ишидан ажралмаган ҳолда касаба уюшма кўмитаси раисини вазифини бажарувчи ходимларга ҳўжалик маблағлари ҳисобидан ҳар ойлик маошига кўшимча иш ҳақи тўлаш ва улар билан меҳнат шартномаларини тузиш жорий этилмоқда. Касаба уюшма кўмитаси раисини вазибаларини жамоатчилик асосида бажараётган ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимининг жорий этилгани уларнинг юқлатилган вазибаларини ба-

ва касаба уюшмасининг назорати ўрнатилган. Жамоа шартномаларида корхоналарнинг иқтисодий имкониятидан келиб чиққан ҳолда, кўшимча имтиёзларнинг 30дан кўп тури белгиланган. Анянага мувофиқ, жамоа шартномалари йилдан-йилга такомиллашиб, мазмунан бойитиб борилмоқда.

Ходимларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш борасида эришилётган натижаларнинг асосий омилларидан яна бири — тармоқда ихчам ва таъсирчан икки бўғинли тизим жорий этилгани ва самарали иш юритиш усули қўлланилаётганидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Меҳнат кодексининг 22, 23-моддаларига, амалдаги жамоат бирлашмалари ҳамда «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»-ги қонунларга мувофиқ, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмасининг янги тахрирдаги Устави ишлаб чиқилди ва у 2005 йилда ўтказилган IV қурултойда қабул қилинди. Уставада асосий эътибор касаба уюшма аъзолари масаласига, касаба уюшма аъзоларининг манфаатлари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятларини уйғунлаштиришга, бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг мавқеини ва масъулиятини янада оширишга қаратилди.

Уставага биноан, соҳамиз касаба уюшмаларининг икки бўғинли ташкилий тузилмаси ўрнатилган, яъни корхона ва ташкилотларнинг касаба уюшма кўмиталари бевосита Марказий кенгаш билан биргаликда иш олиб боради. Бунинг натижасида корхона ва ташкилотлардаги вазият билан яқиндан танишиш, келиб чиқиши мумкин бўлган низоли ҳолатларни тезда бартараф қилиш ва касаба уюшма аъзоларининг меҳнат шароити ва турмуш тарзи, уларнинг гам-таъшишлари ва талаб-истаклари билан бевосита танишиш ҳамда касаба уюшма маблағларини тежаш имкониятига эга бўлмоқдамиз.

Маълумки, меҳнатқашларни ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, маънавияти ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш вазифини ҳам касаба уюшма ташкилотларининг муҳим вазибаларидан бири ҳисобланади. Бу борада кейинги беш йилда 9500 нафардан ортиқ касаба уюшма аъзоси соғломлаштирилди. Шу жумладан, 640 нафар ходим имтиёзли ва бепул йўлланмалар билан таъминланди. «Ўзбектелеком» АКнинг «Фаргона Телеком» филиали ҳамда Тошкент ахборот

килотлари томонидан иш жойлари қисқаришга тушганлиги ва турли сабаблар билан вақтинча бекор юрган ёки бошқа иш билан банд бўлган ходимлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам тўпланмоқда. Шу тариқа янги иш жойлари пайдо бўлганида, аввало собиқ алоқа ходимларини ишга жойлаштириш чоралари қўрилмоқда.

Соҳа тизимидаги корхона ва ташкилотларда ишлаб турган ходимларни ҳуқуқий ҳимоялаш ва уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласи Марказий кенгаш Раёсати томонидан ҳар йили муҳокама қилинмоқда. Ҳар ойнинг иккинчи чоршанбаси тармоқ касаба уюшмаларида ҳуқуқий саводхонлик кўни деб белгиланган. Бундан кўнда тутилган мақсад — ҳар бир касаба уюшма аъзоси бўлган ходим ўзининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ва фуқаролик мажбуриятларини яққол билиб ва англаб олсин, ўзининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қила олиш кўникмасига эга бўлсин. Шундангина умумий фаолиятимизда қўзланган мақсадларга ва юқори самарадорликка тўла эриша оламиз.

Соҳадаги корхона ва ташкилотлар ҳамда уларнинг жойлардаги тузилмалари ва бўлимларининг раҳбарлари, кадрлар хизмати мутахассислари ва касаба уюшма фаолларининг ҳуқуқий маданияти ва савиясини ошириш юзасидан Агентлик юридик хизмати ходимлари билан биргаликда Тошкент шаҳри, Сирдарё, Хоразм, Жиззах ҳамда Самарқанд вилоятларида ҳудудий семинарлар ўтказилди. Ушбу муҳим тадбир жорий йилда қолган вилоятларда давом эттирилади.

Тошкент шаҳридаги алоқа соҳаси корхона ва ташкилотларининг касаба уюшма кўмиталари раислари учун ташкил этилган «Касаба уюшмалари ўқув кўни» режасига мувофиқ, ҳар ойда Меҳнат кодексига юзасидан ҳуқуқий мавзуларда машғулотлар ўтказиб борилмоқда.

2007 йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб номлангани касаба уюшма фаоллари зиммасидаги масъулиятни янада кучайтиради. Тариф келишуви ва жамоа шартномаларида ижтимоий масалаларга янада кенгроқ ўрин беришга, умуман, соҳа ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш устида ишлар олиб бораемиз. Уйлайманки, бу ҳаракатларимиз ўзининг ижобий натижаларини беради.

Тоҳир НАЗАРЖОНОВ,
Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси

● SOHAMIZ RESPUBLIKA MATBUOTIDA

“O‘ZBEKISTON OVOZI”
GAZETASI

2007 йил, 16 январ, 7-сон

Иқтисодиёт ва ислохот

ЖАҲОН АНДАЗАЛАРИГА МОС СТАНЦИЯЛАР

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИГА ҚАРАШЛИ
«ЎЗИ» ЎЗБЕКИСТОН — ИНДОНЕЗИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ
ЖИЗЗАХ ФИЛИАЛИ ИШ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

Газетанинг ушбу сонида «Иқтисодиёт ва ислохот» рункида «Ўзбектелеком Интернет-шнл» қўшма корхонасининг «ЎЗИ-Жиззах» филиали иш фаолияти ҳақида «Жаҳон андазаларига мос станциялар» номли мақола чоп этилган.

Мақолада филиалда амалга оширилаётган ўзгаришлар, ангилликлар, жабҳада фидокорлик кўрсатаётган ходимлар тўғрисида ҳикоя қилинади.

“ХАЛҚ СЎЗИ” GAZETASI
2007 йил, 19 январ, 15-сон

Муштариларига

«Алоқабанк» хизмати:
АНИҚ, ТЕЗ ВА ИШОНЧЛИ

Газетанинг мазкур сонида «Молия муассасаларида» рункида «Алоқабанк хизмати: аниқ, тез ва ишончли» номли мақола босилган.

Унда республика банклари ичида ўз мустақкам ўрнига эга бўлган акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг аҳоли ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларга кўрсатаётган банк хизматлари ҳақида сўз юритилади.

Янгилик

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги муассаслигида чоп этилаётган «Алоқа дунёси» журнали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик ва номзодлик диссертациялари юзасидан техника фанлари (алоқа соҳаси) бўйича илмий мақолалар чоп этилиши лозим бўлган журналлар рўйхатида киритилди.

Шу муносабат билан журналда телекоммуникация тизимлари, тармоқлари ва хизматлари; ахборот тизимлари ва хизматлари; почта тизимлари ва хизматлари; оптик тизимлар, тармоқлар ва хизматлар; янги авлод телекоммуникациялари, ахборот технологиялари ва хизматлари; радиочастотлар ресурслари, улардан самарали фойдаланиш ва электромагнит мослашув; алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида иқтисод, менежмент ва маркетинг; ахборотлашган жамиятни куриш ва ривожлантириш; дастурий таъминот; ахборот хавфсизлиги ва криптология; телекоммуникация тизимлари ва тармоқларининг ишончлиги; алоқа тармоқлари ва хизматлари сифатлари; метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаш; олий ва ўртамахсус техник таълим муаммолари; атамалар ва луғатларнинг илмий асослари каби мавзуларда илмий мақолалар чоп этилади.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси олимлари, аспирантлар, илланувчилар, магистрант ва иқтидорли талабаларнинг илмий мақолаларини журнал саҳифалари кутади.

Рихис ИСАЕВ,
журнал бош муҳаррири,
Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директорининг биринчи ўринбосари, техника фанлари номзоди, доцент

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Сингапур Республикаси Президенти Селлапан Рам Натаннинг тақдирига биноан жорий йилнинг 24-26 январь кунлари давлат таширифи билан мазкур мамлакатда бўлди.

СИНГАПУР — ОСИЁДАГИ ЯҚИН ҲАМКОРИМИЗ

Сингапур — Жануби-шарқий Осиёда жойлашган, қўллаб кичик-кичик оролчалардан ташкил топган шаар-давлатдир. Оролларнинг энг йириги — Сингапур.

Сингапур ҳақидаги дастлабки маълумотлар III аср Хитой солномаларида учрайди. Шривижай империясининг таянчи ҳисобланган мазкур орол кейинчалик Темасек — денгиз порти номини олган. Темасек ўз даврида энг муҳим савдо маркази бўлган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу мамлакатда VII асрда малай халқлари истиқомат қилган. Улар асосан балиқчилик ва савдо-сотик билан шуғулланишган.

XIII асрдан Темасек Сингапур деб атала бошланган. Сингапур қадимги ҳинд — санскрит тилида "Шер шаҳри" деган маънони билдиради. XIV асрга келиб, бу мамлакат Малакка бўғозида энг гавжум денгиз ва савдо маркази бўлиб қолди. 1824 йилда Буюк Британия жуда қулай жўғрофий жойлашувидан фойдаланиш ва Узоқ Шарқдаги бош таянч марказига айлантириш мақсадида Сингапурни ўз мустамлакаси, деб расман эълон қилди.

Бир ярим асрлик мустамлака ва ярим мустамлака қарамликдан сўнг 1965 йилнинг 9 августидан ўз мустақиллигини қўлга киритган Сингапур тез орада гуллаб-яшнади ва ўз минтақасида энг йирик савдо марказига айланди.

Мамлакатда асли келиб чиқиши хитойлик, малайлик, ҳиндистонлик ва европалик бўлган аҳоли қатламлари истиқомат қилади. Давлат тили — малай тили, маъмурий тил эса инглиз тилидир. Шунингдек, хитой ва тамил тиллари ҳам кенг тарқалган. Аҳолининг деярли 80 фоизи пойтахт — Сингапурда яшайди. Буддизм, ислом, христианлик, индуизм ва конфуцийлик асосий динлардан ҳисобланади.

Сингапур — парламент республикаси. 1963 йилдан буён мамлакатда конституция амал қилади. Давлат раҳбари президентдир. У умумхалқ овоз бериш йўли билан 6 йил муддатга сайланади. 1999 йилда президентликка ҳинд Селлапан Рам Натан сайланган эди. 2005 йили у яна 6 йил муддатга қайта сайланди.

Сингапур — савдо, молия, маркетинг ва хизматлар кўрсатадиган, юқори технологиялар ишлаб чиқа-

Пойтахти — Сингапур.

Худуди — 640 квадрат километр.

Аҳолиси — тўрт ярим миллион киши.

Валютаси — Сингапур доллари (SGD).

Интернет домени — .sg

Телефон коди — +65.

радиган, Жануби-шарқий Осиёнинг муҳим транспорт ва коммуникация тармоқлари кесишган йирик минтақавий ва халқаро марказдир. Айниқса, бу ерда кемасозлик ва уларни таъмирлаш, нефть казиш ускуна ва қурилмаларини ишлаб чиқариш ривожланган. Нефтни қайта ишлаш бўйича Хюстон ва Роттердамдан сўнг жаҳонда энг йирик марказ ҳам Сингапурдир.

Мамлакат иқтисодиётида савдо флотини ва денгиз порти жуда муҳим аҳамият касб этади. Юк ташиш ҳажми бўйича савдо флотини жаҳонда саккизинчи ўринни эгаллайди. Тўрт юздан ортиқ денгиз йўллари Сингапурни дунёнинг салкам 130 мамлакатидан 600дан зиёд бандаргоҳлар билан боғлайди.

Сингапур Республикаси Ўзбекистон давлат мустақиллигини 1992 йил апрел ойида тан олди. 1997 йил 8 апрелда мамлакатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди.

Ўзбекистон ва Сингапур ўртасида сармояларни қўллаб-қувватлаш ва уларни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим имзоланган ва



у 2003 йил 15 июлдан эътиборан кучга кирган.

Сўнгги йилларда икки давлат ўртасидаги савдо алоқалари жадал ривожланмоқда. Сингапур Ўзбекистон билан катта савдо айланмасига эга. 2005 йил якунига кўра, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланмаси ҳажми 76,1 миллион долларга тенг бўлган бўлса (экспорт — 71,2 млн. долл., импорт — 4,9 млн. долл.), 2006 йилнинг 11 ойида бу рақам 86,2 млн. долларга етди. Ўзбекистон экспорти таркибидан пахта толаси, энергетика маҳсулотлари ва хизматлар, импорт улушида эса электр ва механика асбоб-ускуналари асосий ўрин эгаллайди.

Республикамизда Сингапур капитални иштирокида тузилган 12 корхона фаолият кўрсатади. Уларнинг ўнтаси қўшма корхона бўлса, икkitаси тўла Сингапур капитални иштирокида ташкил этилган. Мазкур давлатнинг иқтисодий салоҳияти, мамлакат ҳукуматининг компания ва банклар молиявий воситаларини жалб этиш орқали икки томонлама йирик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишни назарда тутувчи алоҳида сармоявий сиёсати мамлакатимиз билан иқтисодий муносабатларни ривожлантириш учун кенг имкониятларни бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Сингапурга икки томонлама муносабатлар тарихида амалга оширган илк давлат таширифи давлатларимиз ўртасидаги муносабатларда муҳим воқеа бўлди ва сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда илмий-техника-ий соҳаларнинг жадал тараққиёти учун мустақкам асос яратди.

SO'RANG, JAVOB BERAMIZ



— Давлат корхона ва ташкилотларида меҳнат қилиб, яна бошқа корхона ва ташкилотларда, масалан, битта меҳнат дафтарчаси билан иккита корхонада бир вақтда ишласа бўладими?



А.САМАТОВ
Тошкент шаҳри

— Бир вақтнинг ўзида бир неча корхонада ишлашга йўл қўйилади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 81-моддасига мувофиқ, меҳнат дафтарчаси ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

Меҳнат дафтарчаси сақланаётган корхона, ташкилот ва муассаса ходимнинг асосий иш жойи саналади, қолган иш жойлари эса ўриндошлик асосида бажариладиган ишдир.

Ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат дафтарчасига ўриндошлик асосида ишлаган ва вақтинча ишга ўтказилган даврлар ҳақидаги ёзувлар киритилади.

— Ходимни меҳнат вазифалари билан таништириш тартиби қандай?



Р.МУРОДОВ
Бухоро вилояти

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 178-моддасига мувофиқ, ҳар бир ходим ўзига юқлатиладиган меҳнат вазифалари билан олдиндан таништирилиши керак.

Қонун талабига кўра, иш берувчи ходимни ишга қабул қилаётган ва у билан меҳнат шартномаси тўзаётганда ҳам, шунингдек, ходим бошқа ишга ўтказилиб, меҳнат шартномасига тегишли ўзгариш ва қўшимча киритилаётганда ҳам ходим ўзига юқлатиладиган вазифалар билан таништирилиши лозим.

Қоида тарихида ходимнинг меҳнат вазифалари умумий тарзда меҳнат шартномасида қайд этилади, шунингдек, локал ҳужжатлар (масалан, ички меҳнат тартиби қоидалари ва лавозим йўриқномалари)да аниқ белгилаб қўйилади.

Меҳнат вазифаларининг доираси билан таништириш ходимларни ишга қабул қилиш (бошқа ишга ўтказиш) тўғрисидаги буйруққа имзо чектириш орқали расмийлаштирилиши тавсия этилади.

Саволларга Ўзбекистон алоқа ходимлари касабаси уюшмаси марказий кенгаши бош ҳуқуқшуноси Абдувоҳид АХМЕДОВ жавоб берди.

ENM VA AXBOROTLASHTIRISH:
KESHA, BUGUN, ERTAGA



Кибернетика — мураккаб тизимларни бошқариш ҳақидаги фан. У материянинг барча шаклларида оид маълум турдаги жараёнларни ўрганишда энг муносабатдир. Кибернетика — бу функционал тизимлар, тафаккурнинг янги услуби, назариясидир.

Кибернетика ғоясининг асосий маъноси алоқа ва бошқариш жараёнларини ўрганишдан иборат. Бу ерда алоқа информацион ҳодиса маъносида, яъни информацион жараённи амалга ошириш маъносида тушунилади. Бу ҳол «информация» тушунчаси кибернетика учун энг муҳим назарий тушунчалардан бири эканидан далolat беради.

Кибернетика материалистик диалектиканинг кўпгина тамойил ва туркумларини ривожлантириш учун бой материал яратиб берди. Фалсафий туркумларга яқин бўлган информация эса, ўз навбатида, бошқариш, оптималлаштириш ва шу каби тоифаларни чуқурроқ тушуниш имконини туғдирмоқда. Демак, кибернетиканинг асосий тушунчаси «информация» — энг умумий фан бўлган фалсафа учун ҳам муҳимдир.

Кибернетика текшириладиган ҳамма бошқариш жараённинг аниқ таърифланишини талаб қилади. Масалан, технологик жараёнга кибернетика усуллари ва автоматика воситаларини татбиқ қилиш учун, албатта, бу жараённи характерловчи қонуниятлар тўла текширилиши ва улар математик ва мантиқан аниқ ифодаланган бўлиши лозим.

Математик моделлар тузиш ва ҳосил қилинган тенгламаларни ечиш борасида кибернетика математика фанининг бой меросидан фойдаланмоқда. Ўз навбатида, кибернетика ҳам математикага бир қанча янгиликлар киритди. Чунокчи, математик логика, таркибий ҳисоб назариясининг кўп соҳалари янгидан кўриб чиқилди. Математик дастурлаш сингарини янги соҳалар пайдо бўлди.

Информацион жараёнларни ва бошқариш тизимларини математика ёрдамида ўрганиш математик иқтисод, математик лингвистика ва математик биология фанларини вужудга келтирди. Демак, кибернетика тараққиётида математиканинг роли катта ва бу икки фан ҳамоханликда олға силжимоқда.

Фанлар орасидаги ўзаро муносабатни аниқлашда ҳам кибернетиканинг аҳамияти катта. Кибернетика усуллари, ғояларининг турли фан соҳаларига ва техникага кириб бориши ўзига хос техник-математик, биологик-психологик илмий тилни вужудга келтирган. Бу тил яқин-яқинларгача бири-бирдан узоқ бўлган хатти-ҳаракат, алгоритм, ғоместазм, адаптация, рефлекс, бошқариш каби тушунчаларни синтез қилишга ва универсал тил яратишга имкон берди. Кибернетика усуллари қандайдир доғма ҳам, қийинчиликларни бартараф этувчи универсал восита ҳам эмас. Бу усуллар янги сфераларни текширишда, қўллаш жараёнида тақомиллаштирилади ва аниқлаштирилади. Лекин бепоён табиатни чуқурроқ ўрганишда махсус фанлар билан бир қаторда кибернетикани қўллаш муҳим кашфиётларга олиб келиши мумкин.

Информация аналогия ёрдамида умумийлик даражасига кўтарилади. Бу эса автоматнинг хатти-ҳаракатини таъминлаб берувчи сигналларнинг аҳамияти натижаси эди. Алоқа-илар биринчи бўлиб рақамли иккилик кодни очдилар ва тадқиқ этдилар, информациянинг ортиқча бўлмай қолиши ва унинг турли хил тўсиқларга иддамлигини ошириш йўлини топдилар. Улар малда информациянинг бир кўринишини бошқа кўринишга ўтказиш мумкинлигини исбот қилдилар. Бу — кибернетиканинг дастлабки мандаидир.

Кибернетикани тадқиқ этишнинг иккинчи ман-

● FAXRIYLAR — FAXRIMIZ

Жамолiddинхон ИСКАНДАРОВнинг меҳнат фаолиятига қирқ йил тўлди. У 1966 йилда Самарқанд радиомеханикалар тайёрлаш курсини тугатиб келгач, қадрдон қишлоғидаги радиоузелда иш бошлаган. Шундан бери сеvimли соҳасига садоқат кўрсатиб келмоқда. Жамолiddинхон ака ўтган даврда кўксига қўша-қўша орден-медал тақмади, унвон ҳам олмади. Аммо ҳалол меҳнати ва бебаҳо фазилатлари билан эл назарига тушди. Олтмиш ёш остонасида турган бу фидойи инсоннинг умр дафтаридан олинган қуйидаги лавҳалар сизни ҳам бефарқ қолдирмайди, деб ўйлайман.

ИХТИРО ИШ БЕРДИ

Жаркўрғон туманидаги "Меҳнат-роҳат" жамоа ҳўжалигининг галдаги йиғилиши пахта йиғим-терими мавсумига бағишланди. Мавсумни муваффақиятли ўтказиш юзасидан белгиланган тадбирда ҳўжалик радиоузели ходимлари вазифаси ҳам кўрсатиб ўтилган эди. Кўтилмаганда раис, Меҳнат қаҳрамони Норали Боймуродов уларни ўрнидан турғизиб, «Қани, пахтакорларимизга тонгги концертни қўйиб бериш қўлларингдан келадими?» деб қолди.

— Топширигингни юз фоиз бажарамиз, — деди Суюнбой ака ёнидаги ёш ҳамкасбига ишониб.

Жамолiddинхон устозни уялтириб қўймаслик учун ихтиро яратишга жазм қилди. Зудлик билан дўқондан икки дона "будилник" соат сотиб олди. Иккаласидан битта қўрилма яратди. Уни тонгги соат бешда радиоузел мурвати автоматик тарзда босишга мослаштирди. Ихтиро синовдан муваффақиятли ўтди. Ҳамкасблар тонгги радиоузелда кутиб олиш ташвишидан батамом қутулишди. Янги қўрилма тонгги концертни одам иштирокисиз автоматик тарзда хонадонлардаги радиоканарналарга етказиб бераверди.

Жамолiddинхон нафақат ихтирочилик йўлидаги изланишларни, балки хаваскор муҳбирлик лабқати билан ҳам эътибор қозона борди. Ҳўжалик бош мутахас-

Олтмиш ёш

сислари, дала меҳнаткашлари, чорвадорлар ва бобон-соҳибкорларнинг дил сўзларини магнитофонга ёзиб олиб, ҳўжалик радиоузелидан эшиттирарди.

Орадан икки йил ўтгач, моҳир радиомеханик Жамолiddинхон Искандаров ҳарбий хизматга чақирилди.

ҚИММАТЛИ ҚИРҚ БЕШ КУН

У ҳарбий хизматдан ҳар томонлама чиникиб қайтди. Айнисса, гулдек хунари — радиоалоқа соҳасидаги маҳорати мустаҳкамланди. Шу боис, уни қишлоғидан анча наридаги Собка радиотелевизион узатиш станциясига таклиф этишганда йўқ демади.

Янги ходим тез орада ишчанлиги ва қизиқувчанлиги тўфайли станциянинг барча участкаларида бемалол хизмат қилиш лабқатини эгаллаб олди.

Ҳамкасбларнинг бири меҳнат таътилига чиққан, иккинчиси узоқ манзилга хизмат сафари билан кетган бир паллада аҳоли мас-

ние кўрсатувлари сифатини назорат қилиш, ишлаб турган жиҳозлар ҳаракатини таъминлаш каби юмушлар кечаю кундуз хушёрликни талаб қилади. Боз устига, ҳамкасбларнинг қайтиши узоққа чўзилаверди. Аммо Жамолiddинхон уйга борол-

Муносиб рағбат соҳибига янги куч-ғайрат бахш этди. Энди у Собкага сув келтириб, ишхонаси атрофини обод қилиш ташаббуси билан чиқди. Бошланajak савоб иш баъзиларга хуш ёқмади.

— Ҳалиям бу ниятингиздан қайтинг, — дейишди улар жиддий оҳангда. — Бу баланд жойга сув чиқариш осон гап эмас.

Жамолiddинхон Искандаров янгиликнинг туғилиши азалдан қийин кечиб келганини яхши биларди. Шу боис, шаштидан тушмай мақсадга интилди. Ирригаторлар унга ёрдам беришди. Қувур тортилиб бўлгач, қир устидаги йиллар оша бўм-бўш турган ерга яхши ният билан қўчат ўтказилди. Ҳовуз қурилиши ҳам ҳашар йўли билан бажарилди.

Бетонланган ҳовузга шариллаб сув туша бошлади. Собкага ўтказилган қўчатлар тўла амал олиб, Қорақир чўққисидан инсон қўли билан яшил олам яратилди. Бу каби хизмати учун Жамолiddинхон "УАЗ" русумли янги машина билан тақдирланди.

ОТА ИЗИДАН

Ҳозир Жамолiddинхон ака раҳбарлик қилаётган "Сурхондарё Телеком" филиали радиоалоқа боғламаси вилоятнинг тоғолди қишлоқларига, божхона масканларига, мамлакат чегара сарҳадларига хизмат қилмоқда.

Дарвоқе, Жамолiddинхон Искандаров яқинда кўтлғуз 60 ёшга тўлади. Ортда қолган умр йўлига қараб мамнун бўлади. Негаки, у бахтиёр оила, ақил жамоа бошлиғи, фарзандлари — Маҳмудхон алоқачи-муҳандис ва Ҳакимхон ТАТУнинг 3-босқич талабасидир. Улар ота изидан бориб, истиқболга интилишмоқда.

Нортожи ЗИЁЕВ,
«Хабар»нинг Сурхондарё вилотидаги муҳбири

Қорақир чўққисидан инсон қўли билан яшил олам яратилди.

Остонасида



канига яқин бўлмаган Қорақир устидаги станцияда бор ташвиш Ж.Искандаров зиммасида қолди. Рости, ўшанда унга осон бўлмади. Станцияга тегишли ҳудудда радиозащиттиришлар, телевиде-

маётганидан асло ташвиш чекмади. У шундай шароитда қирқ беш кун ишлади.

Тошкент ва Самарқанддан тармоқ вакиллари келиб қолишгани жонига оро кирди.

баини автоматик ростилашчилар назариясини ишлаб чиқувчи муҳандис-машинасозлар очишди. Ушбу назарияда биринчи бўлиб қайта алоқанинг қарама-қаршилиқ сифати ўрганилиб, уни тадқиқ этишнинг аниқ миқдорий методлари топилган. Миқдорий методлар ростилашнинг чидамкорлик чегараларини, автотебранишнинг пайдо бўлиш имконини, ростилашнинг берк контурида сигналларнинг ўсиши ва сўнишини аниқлайди. Бир аср мобайнида ушбу назария ўз-ўзича мустақил тараққий этиб борди.

Кибернетиканинг учинчи манбаи — ҳисоблаш жараёнларини механизациялаш, автоматлаштириш назарияси ва амалиёт ҳисобланади. Ҳисоблаш машинасининг бунёдкорлари биринчи марта сунъий хотира воситаларидан фойдалана бошладилар, машинанинг аналитик имкониятларини ихтиро қилдилар. Кейинчалик иккилик тизими ёрдамида амалга ошириладиган амалиётларни механизациялаш билан бирга элементар логик ҳисобларни механизациялаш имкони топилди.

Ҳисоблаш автоматларини дастурлаш соҳасидаги қийинчиликлар олимларни математиканинг ҳамма воситаларини кўриб чиқишга мажбур этди. Мана шу ерда олимлар кибернетиканинг тўртинчи манбаига дуч келдилар. Тўртинчи манба математик логиканинг аппарат ва методлари, ҳисоблаш ва алгоритмлаш назарияси ҳисобланади. Бир қарашда ётроқ бўлиб кўринган логистика белгилари релейли ҳисоблаш ва бошқарувчи занжирларни баён этиш учун керак бўлган бўлса, ҳисоблаш теоремалари автомат логикаси имкониятларини баҳолаш учун керак бўлди.

Ниҳоят, кибернетиканинг келиб чиқишига олиб келувчи тадқиқотнинг бешинчи манбаи — тирик автомат, цитология, генетика, таққосий анатомия,

нейронфизиология, биофизика, психология ва психиатрия чегарасидаги тирик сигналли тизимларни ўрганиш ҳисобланади. Ҳисоблаш усуллари ва электрон-ҳисоблаш машиналари ишлаб чиқариш жараёнида кенгроқ қўлланилмоқда. Жамият ҳаёти ахборот алмашиш, бошқариш функциялари ва шу функцияни бажарувчи органлар билан боғланган. Фан, санъат, радио ва телевидение, матбуот, телефон, музейлар, кутубхоналар ахборотнинг алмашиши ва вужудга келишига сабаб бўлади.

Ҳозирги замон фани ва техникасининг янгиликлари билан қуролланган олимларимиз ва муҳандис-техникларимиз ажойиб ихтиролар қилмоқдалар. Лекин фан ўз олдига қўйган саволларга қанчалик жавоб бермасин, ҳаёт яна янгиликларни юзага келтириб, унинг сирларини очишни талаб этаверади.

«Инсон-машина-муҳит» умумлашмасида ўзаро муаносиблик муҳим рол ўйнайди. Бундай ўзаро боғлиқ муаммоларни ишлаб чиқиш алоҳида фан даражасига кўтарилмоқда. Фаннинг бу энг янги тармоғи «эргоника» деб аталмоқда. «Эргос» — юнонча «инсон» деган сўзdir. Бу билан «инсон-машина-муҳит» умумлашмасида инсон мавқеи биринчи ўринда эканлигини таъкидлаш кўзда тутилган.

Машинага бўлган эргоник талаблар меъёрга келтирилмоқда: инсонга зиён етказмайдиган ёруғлик даражаси, ҳарорат, намлик, шовқин, босим, радиация, титраш меъёрлари аниқ. Бу талабларни ўрганиш фақат инсонга зарар етказмаслик мақсадинигина эмас, балки инсонни бир маромдаги механик ишлардан озод қилиш, унга фақат иходий ва бошқариш вазифаларинигина қолдириш мақсадини ҳам қўяди. Масалан, фаннинг фазони космик аппаратлар йўллаш усули билан ўзлаштириш тенденцияси шунинг бир кўринишидир. Эргоника, асосан, келажак фандир. Унда туғилиб, инсонлар-

варлик ғояларимизга хизмат қила бошлади. Операторнинг бошқарув тизимидаги иши ишончли бўлишини таъминлаш учун ушбу усуллари тавсия этиш мумкин:

1. Психологик танглик ҳолатини келтириб чиқарувчи шароитда ўргатиш ва машқ қилдириш.
2. Асаб тизими муқаммал бўлган, эмоционал, мўътадил, экстремал шарт-шароитдаги ишларга қўбил ва шу каби шахсий сифат кўрсаткичларига эга бўлган операторларни танлаш.
3. Инсон билан машина орасидаги функцияни тўғри тақсимлаш, тизимдаги ишни оператор қўл қилиши керак бўлган нуктаи назардан ўзгартириш.
4. Бошқа чоралар ёрдам бермаган тақдирда аппаратурани ўзгартириш.

Операторнинг автоматлаштирилган бошқарув тизимидаги фаолиятининг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат:

Биринчи босқич. Бошқариш объектлари ва мавжуд тизимни ҳал этишда муҳим ҳисобланган ташқи муҳит ҳақида келиб тушувчи ахборотларни қабул этиш.

Иккинчи босқич. Ахборотни баҳолаш, яъни берилган ва мавжуд иш тартибларини таққослаш.

Учинчи босқич. Ўтказилган таҳлил ва тизимнинг ишлаш шароити ҳақидаги бор маълумотларга асосланиб, қарор қабул қилиш.

Тўртинчи босқич. Қабул этилган қарорни маълум кўринишдаги кўрсатма ёки фармойиш орқали бажариш.

Информация — умумий, илмий категория сифатида моддий олам, ундаги предметлар, ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг инъикоси бўлган онгимизга тегишли турли маълумот ёки ахборотдан иборат.


(Давоми бор.)

Неъматилла МўМИНОВ,
техника фанлари доктори, профессор

● НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

Антивирус Eset NOD32 закуплен Парламентом Республики Узбекистан

Пресс-служба представительства Eset в России сообщила, что компания Eset – международный разработчик антивирусного ПО и решений в области компьютерной безопасности, объявляет о том, что ее основной продукт – Eset NOD32 закуплен для Парламента Республики Узбекистан (Олий Мажлис) – высшего государственного органа законодательной власти в республике.



ПОСТАВКА состоялась в рамках стратегии Eset по расширению своего присутствия в странах СНГ.

Сегодня в Республике Узбекистан активно реализуется политика, направленная на укрепление государственной власти. Одной из базовых составляющих этого процесса является работа законодательной ветви власти, представленной Парламентом республики. В своей работе Парламент, состоящий из Законодательной палаты и Сената, активно использует мощную и хорошо отлаженную

информационную систему. Для ее защиты Парламент республики закупил 100 комплектов программного обеспечения NOD32 для Kerio Mail Server, а также NOD32 для Kerio WinRoute Firewall с лицензионным пакетом для установки на 110 рабочих станций.

Kerio Mail Server представляет собой современный защищенный почтовый сервер, ориентированный на работу в корпоративных сетях малых и средних предприятий. Брандмауэр Kerio WinRoute Firewall надежно защищает информационную систему от внешних атак и ограничивает доступ к веб-сайтам на основе их содержимого.

В 2007 году в интернете может произойти ряд кризисов и даже полных «блэкаутов».

Аналитики предсказывают крупные сбои в интернете

ЭТО связано с перебоями связи между континентами, предупреждает газета «Ведомости» со ссылкой на результаты исследования, проведенного экспертами аудиторской компании Deloitte. Сети может не хватить пропускной способности для передачи стремительно растущих объемов передаваемой информации. Появляется все больше пользователей, все больше из них обмениваются крупными пакетами информации – например, видеофильмами. В то же время провайдеры не заинтересованы в расширении каналов.

Согласно отчету Deloitte, объем мирового интернет-трафика стремительно увеличивается: в 2006 году объем информации, проходящей через крупнейший мировой интернет-узел в Амстердаме (на него приходится 20% всего европейского трафика), рос на 7,4% ежемесячно.

Колледжи оснащают современным оборудованием



В НУКУССКОМ профессиональном колледже легкой и пищевой промышленности более 80 преподавателей обучают свыше 800 учащихся. Недавно учебные мастерские колледжа на основе льготного гранта Республики Польши были оснащены современным оборудованием и обеспечены необходимыми учебными пособиями на сумму 815 миллионов сумов.

В целях создания дополнительных рабочих мест в колледже также открыты швейный, кондитерский и хлебобулочный цеха. Такие учебные мастерские свидетельствуют о наличии огромных возможностей в сфере профессионального образования.

"Основы безопасности жизни"

ПО ИНИЦИАТИВЕ министерств народного образования и по чрезвычайным ситуациям со второй половины учебного года в 1-9 классах пятнадцати средних школ Узбекистана в качестве эксперимента введен новый предмет – "Основы безопасности жизни". Уроки по нему проводятся и в школе №9 города Бухары.

На этих занятиях школьники будут повышать уровень своих знаний и отработку навыков по оказанию первой медицинской помощи и правильного поведения во время несчастных случаев, пожаров, наводнений, землетрясений и других чрезвычайных ситуаций, соблюдению правил личной гигиены.

27 млрд сумов - на обучение

СЕГОДНЯ в профессиональных колледжах и академических лицеях Наманганской области учится более 84 тысяч ребят. Только на их обучение каждый год расходуются более 27 миллиардов сумов.

Такая забота государства о молодежи возлагает на работников системы профессионального образования и самих учащихся большую ответственность. Одними из главных требований к системе профессионального образования должны стать воспитание молодежи в духе любви и преданности Родине, своему краю, махалле, родному дому. Юноши и девушки должны быть всесторонне развитыми личностями, воспитанными в духе национальных и общечеловеческих ценностей, уважать и ценить многовековую культуру, обычаи и традиции своего народа.

Собрание молодых историков

В **ЦЕНТРАЛЬНОМ СОВЕТЕ** общественного движения молодежи "Камолот" состоялось первое собрание республиканского научно-практического семинара молодых историков. В нем приняли участие представители соответствующих министерств, организаций и научно-исследовательских учреждений, ученые, специалисты, студенты и журналисты.

В ходе первого собрания семинара молодых историков были заслушаны доклады об истории нашего края почти два века назад.


***Более подробную информацию можно получить на сайте информационно-образовательной сети Ziyonet**
www.ziyonet.uz

Крупнейший в Узнете

С 1 января 2007 года стартовала новая версия крупнейшего в Узнете ресурса по поиску работы и подбору персонала resume.uz.

НАПОМИМ, что к услугам пользователей этого популярного ресурса обширная база данных от соискателей и работодателей. На сайте представлены резюме специалистов и информация о вакансиях в компаниях и в кадровых агентствах Узбекистана. Банк вакансий и резюме постоянно пополняется.

Теперь с одного аккаунта можно загрузить неограниченное количество резюме и вакансий; предоставлена удобная система поиска строго по заданным параметрам; существует



подписка на вакансии и резюме. Каждому зарегистрировавшемуся пользователю предоставляется личный кабинет, в котором доступны функции по редактированию данных, и многое другое.

Администрация ресурса надеется, что сервис облегчит поиск работы и подбор персонала всем пользователям www.resume.uz.

Мир развлечений

Впервые в Узбекистане для абонентов МТС запущен интерактивный развлекательный голосовой портал «Мобил Таун», разработанный контент-провайдером «Inform Mobil Tashkent».


ВОСПОЛЬЗОВАТЬСЯ этой услугой могут все абоненты сети GSM МТС-Узбекистан. В портале абонентов ждут масса развлечений!

Теперь разыграть друга, поздравить с днем рождения или друзьями

радостными событиями стало намного веселее. Прикольные поздравления и розыгрыши, парад мелодий и рингтонов, возможность найти друзей и единомышленников – всеми этими услугами можно воспользоваться всего лишь, позвонив на номер 0849.

В январе 2007-го года корпорация Microsoft выпустила на рынок два совершенно новых продукта: операционную систему Windows Vista и набор приложений для офиса Office 2007.

Microsoft меняет Windows XP на Vista



Windows Vista™

17.35 «Рыбалка с Раздзишевским»
17.55 Хоккей. «Авангард» (Омск) -
«Нефтехимик» (Ниж.кам).
20.55 Хоккей. «Ак Барс» (Каз.) - ХК
МВД (Мос. обл.).
23.25 «Вести-спорт. Местное время»
23.35 Биатлон. Кубок мира.
02.50 Хоккей. «Амур» (Хаб.) -
«Локомотив» (Ярс.).

Шанба


07.00 Баскетбол. Евролига. «Эфес
Пилсен» (Тур.) - «Динамо» (Мос.).
09.00,11.00,14.30,19.45,23.50
«Вести-спорт»
09.10 02.40 Бобслей. ЧМ.
Женщины.
11.10,00.05 «Вести-спорт. Местное
время»
11.15 «Легенды спорта»
11.45 Легкая атлетика. «XI Кубок
Москвы по прыжкам в высоту под

музыку»
13.00 «Точка отрыва»
13.30,00.15 Бобслей. ЧМ. Мужчины.
14.40,00.45 Биатлон. ЧМ. Мужчины.
16.25 Горные лыжи. ЧМ. Мужчины.
Супергигант.
18.10 Биатлон. ЧМ. Женщины.
Спринт.
19.55 Волейбол. Мужчины.
«Динамо» (Мос.) - «Динамо-ТТГ»
(Каз.).
21.43 Футбол. Чемпионат Англии.
«Ливерпуль» - «Эвертон».

Якшанба

07.00 Горные лыжи. ЧМ. Мужчины.
Супергигант.
09.00,11.00,15.00,19.35,23.10
«Вести-спорт»
09.10,15.10,23.30 Биатлон. ЧМ.
Мужчины.
10.40 «Винто миллион»
11.10,23.25 «Вести-спорт. Местное
время»
11.15 «Страна спортивная»
11.45,18.10,02.15 Биатлон. ЧМ.
Женщины.
13.20,15.55 Бобслей. ЧМ. Мужчины.
14.25 «Сторона России». В. Исаков и
В. Гончаров.
17.05 Горные лыжи. ЧМ. Женщины.
Супергигант.
18.55 Хоккей. «Ак Барс» (Каз.) -
«Металлург» (Новк).
21.15 Баскетбол. Мужчины.
«Динамо» (Мос.) - ЦСКА.
00.30 Гандбол. ЧМ. Мужчины.
Финал.

● JAHON POCHTASI



(Давоми. Аввали ўтган сонда.)

Ўмгирлар мавсумида не-паллик курерларнинг иши бир неча чандон оғирлашади. Тинимсиз ёгин-сочинлар дарё ва ирмоқларни ўзанидан тошириб юборади. Бундай палларда бир қирғоқдан иккинчисига ўтиш имкони деярли йўққа чиқади, чунки аксарият жойларда кўприкнинг ўзи мавжуд эмас. Оқим кучлигидан почтани қайиқларда элтиш ҳам ўта хавфли. Қиш пайти тикланган "кўлбола" ўтиш жойлари яроқсиз ахволга келиб, одамлар ташқи дунёдан буткул ўзилиб қолишади. Тоғ сўмоқларини кўпинча сел ювиб кетади. Нам сўмоқлар ва қоронғу ўрмонларда зулуқлар пайдо бўлади. Ҳаммаёқни қоплаган ўрмонлар ва дарахтларнинг тарвақайлаб кетган шохлари ўзига хос табиий ғов ҳосил қилади. Бу пайтга келиб илон, айиқ, қоплон ва йўлбарс сингари ёввойи ҳайвонлар инларидан чиқишни бошлайди ва почта курерлари улар билан бўладиган хавфли учрашувлардан кафолатланган эмас.

Қишнинг ҳам ўзига яраша инжиқликлари бор. Декабр охирида теваарак-атроф қалин қорга бурканади. Махсус оёқ кийимсиз пиёда ҳаракатланишнинг ҳеч ҳам иложи йўқ, бунинг устига, доимо қор кўчкисига хавф солиб туради. Аммо энг катта хавф — музлаб қолишга олиб келувчи аёз ва изгирин шамоллардир. Баланд тоғларда атмосфера босими натижасида ҳаводаги кислород миқдори анча кам бўлади. Одамларда кўпинча бош оғриғи, чарчаш, нафас олишнинг бузилиши, оёқ-қўл ва юзанинг шишиб кетиши, иштаҳанинг йўқолиши, шунингдек, уйку босиш кузатилади. Қор исканжасида қолган курерларни қутқариш учун почта ишлари вазирлиги махсус вертолёт жўнатган пайтлар ҳам бўлган.

Курерлар хизмат сафарига чиқишда ўзлари билан камида 25 килограмм оғирликдаги почтани олиб кетишади. Егуликдан бошқа ҳеч қандай махсус восита (анжомлар) олишмайди. Улар имкон бўлмағи қолган тақдирдагина тунаш учун почта станцияларида қолишади, бошқа пайтларда ўзлари бошлана қидиришларига тўғри келади. Фақат баланд тоғларда хизмат қилувчиларгина қордан ҳимояловчи махсус пойабзаллар билан таъминланади.

Чаттра Баҳодир Ал Магарнинг Гхартичап почта бўлимига курер бўлиб ишга кирганига ўн беш йилдан ошди. Гхартичап Непалнинг марказий қисмидаги тоғ қишлоғи бўлиб, яна бир почта

бўлими жойлашган Дхуликел билан оралик масофаси 44 чақиримча чиқади. Дхуликел — мамлакат пойтахти Катмандудан тахминан 30 километр шарқроқда. У ерда, шунингдек, округ почта бошқармаси ҳам мавжуд. Дхуликел ва Гхартичап оралигида еттита почта станцияси (почта алмашинув масканлари) бор. Чаттра Баҳодир бутун йўл бўйи почтани елкасида олиб юради ва ҳар бир станцияда жўнатмаларни топшириб, янгиларини қабул қилади. Дхуликел—Гхартичап йўлини қалин ўрмон билан қопланган, 12 километрдан олинроққа чўзилган тоғ тизмаси иккига ажратиб туради. Чаттра Дхуликелга етиб олиш учун

Оша...



ўрмон ва тоғ довоини кесиб ўтиши шарт. Бунинг учун олти соат вақти кетади. "Бу ерда бир чайла, озик-овқат сақланадиган чодир ва булоқни ҳисобламаганда, тунаш учун бошпананинг ўзи йўқ, — дейди Чаттра Баҳодир. — Кучли қор ва ўмгир ёққанда энг яқин атрофдаги почта бўлимига олти-етти кун деганда базўр етиб олиш мумкин."

Чаттра Баҳодир 1999 йилнинг қишида ўзи билан содир бўлган бир воқеани ҳеч унутма олмайди. У Гхартичапга почтани олиб кетаётганда, ўрмондан ўтаётганда кутилмаганда дарахт устидаги айиқ унга ташланиб қолди. У жон талласасида оғир сумка билан жониворнинг тумшугига туширди. Бундан газабга келган айиқ яна ҳамла қила бошлади, аммо бахтли тасодуф туфайли жанг узок давом этмади, нимадандир чўчиган жонивор орта чекинди. "Ҳар гал шу дарахт ёнига етганимда, юрагимда гашилик пайдо бўлади", — дейди Чаттра.

Унинг ҳамкасби Лаъл Баҳодир ҳам меҳнат қийинчиликларидан тобланган. У 26 йилдирки, Шарқий Непал тоғларида курерлик қилади. Бу туманда тоғ чўккисининг баландлиги 4000-4400 метрга етади. Лаъл Баҳодир туман почта бўлимига келган жўнатма ва хатларни бир ярим соатлик масофада етказишига почта станциясига етказиши ва у ерда бошқа почтачилар билан жўнатмаларни ўзаро айирбошлади.

Бир кун у иситмаси борлигига қарамай доимидек йўлга чиқди. Кўёш ўткир тигларини беаёв санчар эди. Пича юргач унинг боши айланиб, кўз олди қоронғилашди ва беҳуш йўқилди. Лаъл Баҳодир юриб келган тор сўмоқдан эллик метр келганда Сунксис дарёси вазмин оқарди. У хушига келиб, белгича сув ичида ётганини кўрди. Почта суммаси қирғоққа ётарди. Лаъл бир амаллаб сувдан чиқди. Сумкадаги хатлар бус-бутунлигини кўриб енгил тин олди. Чунки, уларни йўлга чиқишдан олдин полистилен плёнкага яхшилаб ўраб олганди-да.

Енларида бирон-бир алоқа воситаси бўлмаган почта курерлари ҳалокатга учраган чоғларда фақат сайёҳларнинг ёрдамидан умидвор бўлишади. Аммо уларни қутқариш учун катта куч ва тиббий ёрдам керак бўладиган бўлса, у ҳолда ҳукумат зарур транспорт воситаларини қутқарув ишларига жалб этади.



● ALOQA OLAMIDA

GOOGLE компанияси ўзининг Google Book Search — китоблар қидирув тизимини янада мукаммаллаштиришга киришди. Бу лойиҳа доирасида



Нью-Йорк жамоат кутубхонаси, шунингдек, Стенфорд, Гарвард, Мичиган ва Оксфорд университетлари кутубхоналарида сақланаётган барча китоблардан нусха олинади. Электрон китоблар сонини жами 30 миллион донага етказиш режалаштирилган.

WEBCAN TECHNOLOGIES компанияси Рунетнинг 2006 йилдаги энг эса қоларли брэндлари (номлари) рейтингини эълон қилди. Бунинг учун 2006 йил давомида 800дан ортиқ Интернет-ресурс доирасида кузатув олиб борилди.

Рўйхатга киритилган 100та брэнд орасида дастлабки уч ўринни ахборот агентликлари — РИА Новости (эслаб қолиш — 7,4 фоиз), Интерфакс (6,32 фоиз) ва ИТАР-ТАСС (6,28 фоиз) эгаллади. Номдорлар ўнлиги, шунингдек, «Газпром», Microsoft, Reuters, Windows, Intel, PAO ЕЭС ва Прайм-Тасс брэндлари киритилган.

УЯЛИ АЛОҚА КОМПАНИЯЛАРИ янги даромад манбаи сифатида мобил-ТВ келажига катта умид билан қарашаётганда. Аммо Буюк Британиянинг Virgin Mobile компанияси тажрибаси "подадан олдин чанг қўтармаслик" лозимлигини кўрсатди. Компания реклама-тарғибот ишларига жуда катта маблағ — 2,5 миллион фунт стерлинг сарфлаганига қарамастан, унинг ТВ хизмати инқирозга учради.



ИЛҒОР тадқиқот агентликлари Avaya компаниясини яна бир корпоратив телефонлар бозори етакчиси дея эътироф этишди. Уч йилдирки, мазкур йўналишда етакчиликни қўлдан бермай келаётган Avayaунинг жаҳон бозоридаги даромад улуши 2006 йил учинчи чорагида 27,2 фоизни ташкил этди.

КОМПЮТЕР хавфсизлиги масалалари билан шугулланувчи компаниялар Storm Worm деб ном олган зарар етказувчи дастур пайдо бўлгани ҳақида хабар тарқатишди. Янги троян Европада бўрон мавзуси остида яширинган. Баъзи маълумотларга қараганда, у ҳозирга қадар ўн мингтагача компьютерни ишдан чикарган.



БЕЛГИЯнинг бир қатор газеталари ўзларининг ахборотларидан руҳсатсиз фойдаланмаслигини сўраб Yahoo Интернет-қидирувчиси га расмий хат йўллашди. Улар шу мазмундаги даъво юзасидан илгарироқ Google компаниясини судда ютиб чиқишганди.

Yahoo муаллифлик ҳуқуқларини бузишда айбланганда, компания ўз фойдаланувчиларига газеталарнинг архивларидан бепул фойдаланиш имконини яратиши натижасида нашрларнинг даромадидаги путур етмоқда ва бу, ўз навбатида, белгиялик журналистларнинг норозилигини келтириб чиқарди.

MOTOROLA компанияси таҳлилчилар ва сармоядорлар билан ҳамкорликда маҳсулотни тайёрлаш ва бозорга чиқаришга кетадиган харажатларни қисқартириш бўйича янги стратегия устида иш бошлади. Ўтган 2006 йили компаниянинг соф фойдаси 20 фоизга — 2,6 миллиард долларгача камайиб кетганда. Бу ҳолатга таҳлилчилар асосий рақобатчи — Nokia билан олиб борилган нархлар соҳасидаги "уруш"ни ваз қилиб кўрсатишяпти.



FRANCIYAнинг PSA Peugeot Citroen концерни таркибида қирувчи Peugeot компанияси фойдаланилган машиналарни Интернет орқали сотишни йўлга қўймоқчи. Жумладан, Peugeot 1007 русумли юзлаб автомобиллар уч туркумга бўлиниб, www.vente-privee.com сайти орқали савдога чиқарилди.



Кувонч

Мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ҳам жаҳон талабларига жавоб берадиган даражага етказиш устувор вазифа ҳисобланади.

ХОРАЗМДА ХАМ ТЕЛЕРАДИОДАСТУРЛАР СУНЬИЙ ЙЎЛДОШ ОРҚАЛИ УЗАТИЛМОҚДА

Аҳолини сифатли телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар билан таъминлаш — ўта муҳим вазифа. Шу мақсадда Хитойнинг «Алкател Шанхай Белл» компаниясининг ер усти йўлдошли алоқасини қабул қилувчи ва эфирга узатувчи станциялари кредит орқали олинб, республикамизнинг телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар қамраб олинмаган ҳудудларига ўрнатиш учун етказиб берилди.

— Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун барча вилоятлар қатори Хоразмга ҳам алоқа воситалари олиб келинди, — дейди Хоразм радиотелевизион узатиш маркази директори Раҳматулла Азимов. — Сунъий йўлдош орқали теле ва радиодастурларни қабул қилиб, аҳолига сифатли етказиб бериш учун радио ва телеузатгичлар марказ муҳан-

дис-техник ходимлари томонидан ўрнатилди. Натижада хоразмликлар телерадиодастурларни томоша қилиш ва эшитиш имконига эга бўлишди.

«Тупроққалъа» мавзесига жойлашган Саримой аҳоли масканида 1 кВт қувватли битта теле ва битта радиоузатгич монтаж қилиниб, ишга туширилди. Янги телеузатгичлар мазкур мавзенинг «Хива» маҳалласида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл, Эллиққалъа ва Бериуний туманларида ҳам фойдаланишга топширилди. Дарвоқе, Тўрткўл тумани марказидан 70-80 километр узокда жойлашган «Кўкча» маскани аҳолиси деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Бу ерга сунъий йўлдош орқали сигнал оладиган теле ва радиоузатгичлар ўрнатилиши билан 60га яқин ҳўжаликларга



«Ўзбекистон» телерадио каналларининг дастурлари сифатли етказиладиган бўлди.

Юқорида айтиб ўтилган масканлардаги теле ва радиоузатгичларга хизмат кўрсатиш Хоразм радиотелевизион узатиш маркази зиммасига юклатилган. Марказ бош муҳандиси Отахон Матёкубов, цех бошлиғи Иброҳим Назаров, смена муҳандиси Бекбергун Ниезमतов, катта электромеханик Степан Сидоренко ва бошқалар аҳолига сифатли телерадиодастурларни етказиб беришда самарали меҳнат қилишмоқда. Хоразмлик мухлисларга «Ўзбекистон»,

«Ёшлар», «Спорт» телеканаллари, Хоразм телевидениеси, шунингдек, «Иқбол» ва «8ТВ» хусусий студиялари дастурлари намойиш этилмоқда.

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ,
«Хабар»нинг Хоразм вилоятидаги мухбири

СУРАТДА: (чапдан ўнга) Хоразм радиотелевизион узатиш маркази катта электромеханиги Степан СИДОРЕНКО, смена муҳандиси Бекбергун НИЕЗМАТОВ ва цех бошлиғи Иброҳим НАЗАРОВлар.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низоми»нинг 49-бандига асосан, қуйидаги лицензияларнинг амал қилиши 2007 йил 11 январдан тўхтатилди:

- «С.А.Т.І.А.» масъулияти чекланган жамиятнинг (Самарқанд шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000694 рақамли;

- «SETIS» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000972 рақамли;

- «XALQARO ALOQA» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000609 рақамли;

- «XALQARO ALOQA» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000610 рақамли.

«Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низоми»нинг 23-бандига асосан, қуйидаги лицензиялар 2007 йил 18 январдан бекор қилинди:

- «IMPERIYA-KINO» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000882 рақамли;

- «ROYAL EXPO» хусусий корхонасининг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига бе-

рилган АА серияли 0000975 рақамли;

- «TURKON» хусусий фирмасининг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000984 рақамли;

- «MAG'RUR-LOCHIN» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001056 рақамли;

- «GIYOS-NET» хусусий корхонасининг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001076 рақамли;

- «KOMPUTER-TRADE» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001124 рақамли;

- «O'ZBEKISTON POCHTASI» очик акциядорлик жамиятнинг (Тошкент шаҳри) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001164 рақамли;

- «O'ZBEKISTON POCHTASI» очик акциядорлик жамиятнинг (Тошкент шаҳри) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001165 рақамли;

- «O'ZBEKISTON POCHTASI» очик акциядорлик жамиятнинг (Тошкент шаҳри) халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фа-

олиятига берилган АА серияли 0001166 рақамли;

- «TIME VICTORY» хусусий корхонасининг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001218 рақамли;

- «IRODA-FAYZ» хусусий корхонасининг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001249 рақамли;

- «XORUST SAVDO SERVIS» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001243 рақамли;

- «ALISHER GOLD» хусусий корхонасининг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001279 рақамли;

- «FARID» кўп тармоқли ишлаб чиқариш тижорат фирмасининг (Андижон шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001316 рақамли;

- «KAMILA FAYZ SERVIS» хусусий корхонасининг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001363 рақамли;

- «ARJUMAND-BEK» хусусий фирмасининг (Андижон вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш

ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001392 рақамли;

- «QATORTOL SAVDO» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001419 рақамли;

- «INOYAT» хусусий корхонасининг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001422 рақамли;

- «REVIVE SYSTEM» хусусий корхонасининг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001494 рақамли;

- «NUR-ALLABAMA» шўъба корхонасининг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001506 рақамли;

- «OVQATLANISH VA SAVDO KOMBINATI» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001516 рақамли;

- «TECHNOPIA» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001588 рақамли.

ЭЪЛОН!

«Ўзбектелеком» АК «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиалининг 8-Шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси (Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида жойлашган)га бош муҳандис лавозимига мутахассислар ишга тақлиф қилинади. Ушбу лавозимга магистрал алоқа линиялари мутахассислиги бўйича камида 5 йил ишлаган, олий маълумотли муҳандислар танлов асосида қабул қилинади.

Қўшимча маълумот олиш учун телефонлар: 136-12-18, 133-73-50.

Тошкент шаҳар Учтепа тумани ҳокимлиги томонидан АСАД РУСТАМОВИЧ БОБОКУЛОВ номига берилган 2286/01 рақамли, ЖШН№ 015737 серияли чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи РУХСАТ ГУВОҲНОМАСИ йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

● HAYOT SABOQLARI

Кўшни мавзеда яшайдиган дугонам кўнгирак қилиб, зарур иши борлигини, ўзи каттик шамоллаганлигидан кўчага чиқа олмаслиги сабабли олдига бирров кириб ўтишимни илтимос қилди. Тезда кийиниб, йўлга отландим. Уйдан чиқаётганимда дарахт тагига қўйилган ўриндикда қатор тизилишиб ўтиришган ўсмир йигит-қизларга кўзим тушди. Улар суҳбатга шу қадар берилган эдиларки, атрофдагиларга эътибор ҳам беришмасди. Мен дугонанинг олдига бориб келгунимча икки соатга яқин вақт

инсон ҳаётидаги энг буюк неъмат — вақтни сувга оқизаётган эдилар. Бу каби ёшларни эса ҳамма жойда учратиш мумкин. Афсуски, вақтни ҳавога соғураётганлар нафақат ўсмирлар, балки ёши катталар орасида ҳам анчагина.

Синглим мактабда муаллима. Ишдан келиб оқизаётган олиб тикув машинасига ўтиради. Кўлидан чиққан бежирим кийимларнинг миқозлари жуда кўп. Кечки овқатдан кейин дафтар текширади. Шу боис, рўзғори доимо бут, ҳеч нарсадан камчи-

бир-бирларига тиргак бўлишлари лозимлигига ишора. Тўғри, ҳозир аёлларимизнинг кўпчилиги меҳнат билан банд. Лекин ана шу бандлик энг муҳим масала — болалар тарбиясига таъсир қилмаслиги керак. Излаган имкон топади. Агар аёл бола тарбияси учун зиммасидаги улкан масъулиятни ҳис этса, у ишдан келиб оқизаётган болалари билан шуғулланади? Дарсларини текширади, тарбиясига қарайди ва ҳоказо. Шунда кўчада уларнинг баъзан ўтириб, баъзан тик турган ҳолда бефойда нарсалар ҳақида гап-

Қайтиб келармисан, ёшлигим менинг?..



Ёки увол кетаётган вақт хусусида

ўтди. Қайтиб уйга келсам, улар ҳамон ўша ерда эдилар.

Ёшлик — умрининг сермазун ўтиши учун пойдевор қўйиладиган давр. Унинг ҳар бир дақиқаси ганимат. Ўтган икки соатлик вақт ичида ўша ёшлар ҳаёти давомида керак бўладиган яхши бир китобни мутолаа қилиши, компьютер сабоқларидан дарс олиши ёки бирор устага шоғирд тушган бўлса, одамларга яхшилик йўлида хизмат қиладиган касбни ўрганиши мумкин эдику! Ўшанда аввало ўзи, оиласи, қолаверса, жамият учун фойдаланинсон бўлиб улгайиш йўлида муҳим бир қадамни қўйган бўлишарди. Эсиз, увол кетган вақт, дедим ичимда. Улар бефойда нарсалар ҳақида валаклашиб

лиги йўқ. Бир кунни у ҳасрат қилиб қолди.

— Кўпинча ишдан келишимда, — дейди синглим, — кўшни аёллар тўпланишиб, гаплашиб туришган бўлади. Улар билан бир сурашиб, ўтиб кетмоқчи бўламан. Лекин, албатта, бирорталари гапга солишга ҳаракат қилишади. Уларга зарур ишларим кўплигини айтаман.

— Ҳа, энди сиз ишли одамсиз, бизга ўхшаганлар билан гаплашармидингиз, — дейди улардан бири. Биламанки, ўтиб кетганимдан кейин мени гийбат қилишади.

Дарҳақиқат, "Эр-хотин — кўш хўкиз" деган мақол бор халқимизда. Бу рўзғор тебратиш, бола тарбияси каби ишларда улар

лашишига вақтлари қолмайди.

Дарвоқе, яна тарбия хусусида. Бу борада ҳурматли буювжон буважонларимиз зиммасида ҳам масъулият кўп. Уларда ҳаёт тажрибаси етарли. Турли афсона ва ривоятлар сўзлаб, набиранлар қалбига эзгулик уругини сеппишлари, уларни катталарга ҳурмат, кичикларга иззат руҳида тарбиялашлари мумкин.

Шунда чекувчи, спиртли ичимлик истеъмол қилувчи, жамоат жойларида ярим яланғоч юривчи, атрофдагиларга ҳам эътибор бермасдан миллати шаънига тўғри келмайдиган сўзларни сўзловчи, бемалол сўкинувчи ёшлар бўлмасмиди, эҳтимол.

Муборак МИРКАМОЛОВА

● "KABUTARDAN — SAMOVIY ALOQAGACHA!"



Почтачи майналар

(Давоми. Аввали ўтган сонда.)

Махшур ўзбек бахшиси Эргаш Жуманбулбул ўғли томонидан ижро этилган "Равшан" ишқий-романтик достонида ҳам худди "Алломиш"даги сингари хат-хабар бериш анъанаси билан боғлиқ қизикарли ўрин бор. Ширвон элига бориб севишли ёри Зулхуморни топган Равшан гафлат босиб, Қорахон подшоҳнинг жаллодлари қўлига тушади. Қорахон уни ўлдирмай, Алломиш сингари қоронгу зиндонга ташлайди. Шунда унинг севгилисиз Зулхумор ойим зор-зор йиғлаб, ўз қўли билан бир хат битиб, "хатни маҳкам қилди, ўраб, ёгин-ёмғир бўлса ўчмасин", деб майна қушининг бўйнига маҳкам боғлайди-да:

**Оқар кўздан қонли ёшим,
Чўк савдога қолган бошим,
Арзим эшит, майна қушим,
Бор, Чамбилнинг хони келсин,
Ёвмитнинг беклари келсин!**
деганича қўйиб юборади.
**Жонивор ҳаволаб баландга олади,
Ширвон эли анча узоқ қолади,
Қоронғуда парвоз айлаб шу майна,
Чамбил элига элчи бўлиб келади.**

**Учмоқдан майнадан армон қолмади,
Бирор ерда майна дамин олмади,
Саҳар бориб кўнди бир уй устига,
Ҳар патидан чакиллаб тер томади.**

Кундалик юмушлар ичида вақтни кеч қилган Хасанхон уйига келиб, хотини Хон Далли билан ўғли Равшан тўғрисида суҳбатлашиб турганида, майна қушининг нолишини эшитиб, қуш Равшан-дан хабар бераётганлигини сезади.

**Хон Далли қараса, қушининг доди бор,
Кўп узоқдан қистаган ҳолати бор.
Хон Далли қўлига олиб қараса,
Майнанинг бўйнида арза хати бор.**

Кўриниб турибдики, қадимги аждодларимиз қандай шароит ва тарихий тузумларда ҳаёт кечиришмасин, доимо ўзалари тўғрисида ёки яқинлари ҳақида керакли ахборотга эга бўлиш йўлини қидирганлар.

(Давоми бор.)
Саид АЛИМОВ,
ЎЗМУ доценти

Ўзбекистон телевидениеси: Ривожланиш тарихи

(Давоми. Аввали ўтган сонларда.)

Тармоқни бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида 1978 йили Алоқа вазирлигининг қарорига кўра, Республика радиомаркази ҳамда Республика магистрал ва телевидение алоқа тармоқлари корхонаси негизида Республика радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение бошқармаси (РРТБ) ташкил этилди. Янги корхонага Алоқа вазирлигида Радио бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаётган Ю.Переғудов бошлиқ этиб тайинланди. Бош муҳандисликка "Кибернетика" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ходими И.Мухамеджанов тайинланди.

Иккита корхона бирлашганлиги сабабли барча вилоят радиостанциялари ҳам РРТБ таркибига ўтказилди.

Янги ташкил этилган РРТБ корхонаси томонидан "Ўзбекистонда радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение воситаларини такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш бош режаси"нинг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бош режа лойиҳаси республика раҳбарияти билан келишилди ва маъқулланди. Ушбу режага кўра, теледастурлар кириб бормаган узоқ ҳудудлардаги аҳоли масканларини телевидение билан қамраш мўлжалланган эди. Бу масалани ҳал этишда "Останкино" ТВ студиясининг ер сунъий йўлдоши орқали "Москва" (қабул "стойкаси") ва "Экран" русумли (қабул қилиш-узатиш "стойкаси") ускуналардан фойдаланиш режалаштирилди. Узоқ ҳудудларда жойлашган аҳоли масканларига Ўзбекистон телевидениеси дастурларини етказиш мақсадида қуввати 100 Ваттли "РПТДА", 1 Ваттли "РУТАН" ва 1, 10, 30 Ваттли "ТРА" русумли қабул қилиш-узатиш ускуналари (ретрансляторлар) ишлатилди. Эфир орқали Ўзбекистон ТВ дастурини олишга имкони бўлмаган, РТСлардан узоқда жойлашган масканларга ер сунъий йўлдоши орқали фақат битта – "Останкино" ТВ-дастури қабул қилиниб, тарқатилди.

Режага биноан, ягона андозали, иккита дастурга мўлжалланган, телевизион ва УКВ ЧМ радиоэшиттиришга мўлжалланган, баландлиги 200-250 метр бўлган мачта билан жиҳозланган кучли қувватга эга РТСлар қурилиши белгиланган эди.

Бош режа тасдиқлангандан кейин уни амалга ошириш учун давлат томонидан зарур бўлган тегишли пул маблағлари ва керакли моддий ресурслар ажратилди. Режани амалга оширишда Алоқа вазирлиги ва маҳаллий идоралар раҳбарлари катта ёрдам беришди.

1981-1985 йиллар мобайнида 250дан ортиқ "микро" ва камқувватли РТСлар учун бинолар, контейнерлар, электр узатиш линиялари, турли кўринишдаги ва баландликдаги мачта қурилмалари барпо этилди. Уларда 450та телевизион узатгич ва антенна-фидер мосламалар ўрнатилди. Катта шаҳарлардан Бухоро, Гулистон, Кўкон (Данғара), Кўнгирот ва Навоийда кучли қувватга эга РТС қурилиши яқунланди. Шунингдек, амалдаги РТС ва РРЛларда такомиллаштириш ишлари бажарилди.

1986 йилнинг охирида Ишлатиш техник алоқа бўлинмалари (ИТАБ) қайта тикланди ва магистрал алоқа кабел линиялари уларга қайтарилди. Реле-кабел магистраллари ҳудудий бошқармалари (РКМХБ) эса тарқатилди.

1985 йилда баландлиги 375 метрли Тошкент телеми-нораси қурилиши яқунланди ва ишга туширилди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб, мўлжалланган режани амалга ошириш натижасида, республика аҳолисини телерадиодастурлар билан қамраш миқдори куйидаги даражани ташкил этди: битта дастур билан – 96,6 фоиз, иккита дастур билан – 95,8 фоиз, учта дастур билан – 23,1 фоиз.

(Давоми бор.)

**Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази жамоаси номидан
Маҳаммаднорм АТАМУҲАМЕДОВ,
марказ бош директори**

Диққат, танлов!

“Хабар”нинг энг зукко мухлиси



ВИКТОРИНА САВОЛЛАРИ:

(2-босқич)

- «Хабар»нинг илк сони неча саҳифада чоп этилган?
а) 8;
в) 12;
с) 16.
- Газетамизнинг вилоятлардаги фаол жамоатчи муҳбирлари?
а) Нортожи Зиёев, Ҳафиза Салаяхова;
в) Асқар Истамов, Фарҳод Муҳаммадиев;
с) Иккала жавоб ҳам тўғри.
- Қайси санадан бошлаб газетамиз тўрт хил рангда чоп этила бошлаган?
а) 2005 йил 4 март;
в) 2005 йил 21 март;
с) 2005 йил 1 сентябр.

ГОЛИБЛИККА БИРИНЧИ ДАЪВОГАР

“Хабар”нинг энг зукко мухлиси” номини қўлга киритиш учун кураш бошланди. Таҳририятимизга дастлабки жавоблар ҳам келиб тушди. Газетамиз мухлиси танловнинг икки шарти бўйича ўз билимини намоён қилиб, ҳам викторина, ҳам кроссворд саволларига жавоб юборган. Шундай қилиб, танловнинг биринчи иштирокчиси билан танишинг:

Жамшид ИСЛОМОВ, Тошкент шаҳри:


1. Викторинанинг биринчи босқичи (учта савол) бўйича иккита жавоб тўғри. Тўпланган балл – 6.

2. “Зарбулмасал” кроссворди бўйича – 79 саволдан 70таси тўғри. Тўпланган балл – 70.

Хурматли муштарийлар!
Танловда голиб бўлиш учун барчангизда имконият мажбур. Фақат бунинг учун Сиздан бироз фаоллик ва билим талаб этилади.
Мактубларингизни кутамиз.

Мактубларингизни 700060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 17-уй – «Хабар» газетаси таҳририятига жўнатинг.

Интернетдан фойдаланиш имконига эга бўлган муштарийларимиз учун e-mail: orig@infonet.uz ҳамда xabar@uzrak.uz Факс: 136-36-42.



“Ананас” Кроссворди

ЭНИГА: 10. Зилзила оқибатида денгизда юзага келадиган кучли тўлқин. 11. Сўз туркуми. 12. 1366—1465 йилларда яшаган буюк ўзбек шоири. 13.Қасида, бағишлов, мадҳия. 14. Оддий ёзишдан 4-7 марта тез ёзиш усули.15. Дастлабки, биринчи. 18. Кўк, само, фалак. 19. Қовун тури. 20. Узатиш линияси (радиотехникада). 22. Қон сўрувчи жонивор. 24. Ҳажвий жанр. 25. Янги давр немис адабиётининг асосчиси И.В.Гётенинг шоҳ асари. 26.Лойдевор тури. 27. Таниқли Ҳолливуд юлдузи — ... Депп. 28. Спорт қайғи. 30. Мянма давлатининг собиқ номи. 37. Поляк жаноби. 38. Кема ва самолётлар “деразаси”. 39. Ҳасса. 42. Кимёвий элемент. Номи юнончада “яширинаман” маъносини англатади, яъни олиш қийинлиги учун шундай номланган. 43. Кема қисми. 44. Шекспир қаҳрамони.

БЎЙИГА: 1. Яқин Шарқдаги муқаддас шаҳар. 2. Қушлар “кийими”. 3. 20дан зиёд турга эга дароҳт ва буталар туркуми. Ўзбекистонда 6 тури ўсади. 4. Оғирлик ўлчови. 5. Юнон алифбосидаги ҳарф. 6. Эркалар исми. 7. Инсон томонидан илк бор кашф этилган металлдан бири. 8. Энг, жуда. 9. Атоқли немис шоири, драматурги ва маърифатпарвари (1759—1805). 16. Тиббиёт асбоби. 17. Асосан қишлоқ жойлардаги даволаш-профилактика муассасалари. 21. Муайян ҳақ звазига мулкдан вақтинча фойдаланиш. 23. Ойбек асарлари қаҳрамони. 29. Тропик мева. 31. Ечими математик ҳисоблашлар звазига топиладиган машқ. 32. Машҳур гимнастикачи — ... Кабаева. 33. Уйғониш даври немис санъати асосчиси, расм ва график. 34. Озиқ-овқат саноати ва тиббиётда кенг қўлланиладиган кислота тури. 35. Томоша кўрсатиладиган жой. 36. Палма дароҳти меваси. 40. АҚШдаги штат. 41. Гина, адоват, ҳасад.

● HAR TO'G'RIDA

Индиана Жонснинг саргузаштлари давом этади



Таниқли актёр
Харрисон Форд машҳур режиссёрлар – Стивен Спилберг ва Жорж Лукас томонидан тасвирга олинган Индиана Жонс саргузаштларининг

тўртинчи филмида суратга тушишга розилик берди.
64 ёшли Форд аввалги учта картинада ҳам бош ролни ижро этган. Шон Коннерини ҳисобга

олмаганда, филмда иштирок этадиган бошқа актёрларнинг номлари ҳозирча маълум эмас.
Филм режиссёрлари сценарийни ёзиб тугатишган. Суратга олиш жараёни 2007 йилнинг июн ойида бошланади ва кино 2008 йилнинг май ойида катта экран юзини кўради.
Эслатиб ўтамиз, “Индиана Жонс”нинг 1981-1989 йиллар оралиғида экранларга чиққан учта филми еттига “Оскар” мукофотини қўлга киритган ва 1,18 миллиард доллар фойда келтирган.



Маугли қиз топилди

Камбоджа чангалзоридан бундан 19 йил олдин йўқолиб қолган қиз топилди.
Ҳозирда 27 ёшга кирган бу қизнинг ҳақиқатан ҳам чангалзорда улғайгани тасдиқланди. У ўзининг йўқолиб қолиш сабабини, шу йиллар мобайнида қаерда ва қандай кун кечирганини айтиб беролмайди. Бундан ташқари, қиз ошхона анжомларидан фойдаланишни умуман билмайди, одамлардан жуда қўрқади ва кийимсиз юриш унга оддий ҳол. Бир сўз билан айтганда, у – ҳақиқий Маугли.
Маҳаллий полиция Мауглини Пен Рохнинг 1988 йилда йўқолган қизи эканлигини тасдиқлади. Аини дамда уни ДНК таҳлилидан ўтказиш режалаштирилмоқда.

SPORT

Голиб ва совриндорлар тақдирланди

Доха шаҳрида ўтган XV Осиё ўйинларида спортчиларимиз Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишганди. Пойтахтимизда ушбу нуфузли мусобақа голиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 декабрдаги "Осиё ўйинлари голиблари ва совриндорларини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони ва ушбу ҳужжат ижросини таъминлашга қаратилган Фармойишига биноан, Осиё ўйинлари чемпионолари 5000, кумуш медал соҳиблари 3000 ва учинчи поғонадан жой олган спортчилар 2000 АҚШ доллари миқдорига пул мукофоти билан тақдирланди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев топширди. Эслаб ўтамиз, XV Осиё ўйинларида Гузал Хуббиева, Баҳодир Султонов, Элшод Расулов, Рустам Саидов, Вадим Менков, София Каспулатова, Владимир Черненко, Руслан Науралиев, опа-сингил Севара ва Зарина Ганиевалар, Дилшод Мансуров ва Артур Таймазовлар шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилганди.



ЧАГАЕВ РУС ГИГАНТИГА ҚАРШИ

Ўтган ҳафтада WBA йўналиши чемпиони Николай Валуев ўз камарини ҳимоя қилди.

Америкалик боксчи Жамил Маклайнга қарши рингга кўтарилган Валуев жангинг учинчи раундидаёқ галабага эришди.

Айтиш мумкинки, даъвогар боксчи чемпионга муносиб қаршилик кўрсата олди. Бироқ учинчи раундда мувозанатини сақлаб олмай рингга қулаган Маклайн оёғидан қаттиқ жароҳат олди ва жангни давом эттира олмаслигини билдирди.

Николай Валуев ўз камарини уч мартаба ҳимоя қилди. У навбатдаги жангини 15 апрелда қадар ҳамюртимиз Руслан Чагаевга қарши ўтказиши лозим. Рус гигантига қарши жанг олиб бориш Русланга осон кечмаслиги аниқ. Чунки, буйдаги фарқ қарийб 30 сантиметрни, вазндаги фарқ эса 40 кг.ни ташкил қилади.



БИКМАЕВ ҲАМ "ДНЕПР"ДА...МИ?



Яқинда ҳамюртимиз Виталий Денисов Украинанинг "Днепр" клуби билан 3 йиллик шартномага имзо чекканди.

Днепропетровск футбол жамоаси 18 январдан бошлаб Дубай шаҳрида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказмоқда ва жамоа таркибига Виталий Денисов ҳам бор.

"Днепр" клуби веб-сайтининг хабар беришича, жамоанинг ушбу йиғинига ўзбекистонлик яна бир ярим ҳимоячи Марат Бикмаев ҳам қўшилган. 21 ёшга тўлган ушбу футболчимиз украиналиклар таркибига ҳозирча фақат кўриқдан ўтмоқда. Шартнома имзоланиши унинг назоратдан қанчалик яхши ўта олишига боғлиқ.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

2008 йили Хитойда бўлиб ўтадиган Олимпиада баҳсларига тайёргарлик кўриш доирасида бош мураббий Вадим Абрамов ва унинг ёрдамчиси Миржалол Қосимов раҳбарлигидаги Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси Туркияда ўқув-машғулот ўтказмоқда.

Шу вақтга қадар олимпиячиларимиз иккита назорат учрашувини ўтказди. Биринчи учрашувда улар Украина олий лигаси вакили – "Арсенал" билан баҳс олиб борди. Садриддин Абдуллаев, Камолiddин Мирзаев ва Шавкат Саломов киритган тўплар эвазига вакилларимиз 3:2 ҳисобида галаба қозонди. Иккинчи учрашувда эса Қозоғистон кубоги соҳибига "Алма-Ата" жамоасини 3:1 ҳисобида доғда қолдирди. Ушбу ўйинда терма жамоамиздан тўпларни Баҳодир Насимов, Одил Аҳмедов ва Шаҳбоз Эркиновлар киритишди.

Тайёргарлик доирасида, шунингдек, Молдавиянинг "Зимбру", Россиянинг "Амкар" ҳамда Жанубий Кореянинг "Улсан" клублари билан ўртоқлик ўйинларини ўтказиш режалаштирилган.

Пекин-2008 Олимпиада ўйинларига саралаш баҳсларининг илк ўйинида вакилларимиз тожикистонлик тенгқурларига қарши 7 ва 14 феврал кунлари майдонга тушадилар.

"ПАХТАКОР" ЯРИМ ФИНАЛДА

Россия пойтахти Москва шаҳрида "МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари чемпионлари кубоги-2007" мусобақаси ўтказилмоқда.



"С" гуруҳида иштирок этаётган "Пхтакор" жамоаси гуруҳ баҳсларининг биринчи турида Латвиянинг "Вентспилс" жамоасидан 2:0 ҳисобида мағлубиятга учраган бўлса, иккинчи турда Арманистоннинг "Бананц" жамоасидан 3:0, Украинанинг "Шахтёр" клубидан 4:0 ҳисобида устун келиб, чорак финалга чиқиш масаласини ҳал қилди.

Чорак финалда мамлакатимиз чемпи-

они "D" гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаган Сербиянинг ОФК клубига қарши майдонга тушди. Учрашувнинг асосий вақти 1:1 ҳисоби билан яқунланди. Пеналти тешиш баҳсида омад вакилларимизга қулиб боқди — 4:2. Бугун бўлиб ўтадиган ярим финал баҳсида "Пхтакор" Молдавиянинг "Шериф" жамоаси билан куч синашади.

Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

"Самарқанд Телеком" филиали ҳамда вилонт бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари Иштихон телекоммуникациялар боғламасининг собиқ бошлиғи **Эгамберди СИНДРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чукур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси университети-нинг бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси ўринбосари Шерзод Синдровга падари бузруквори **ЭГАМБЕРДИ** отанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси филиал директори С.Юнусовга акаси **СОБИРЖОН ЮНУСОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чукур таъзия изҳор қилади.

"Ўзбектелеком Интернетшыл" қўшма корхонаси жамоаси корхонанинг техник бўлими менежери Обиджон Раҳимбоевга воқдаи муҳтарамаси **РИХИС РАҲИМБОЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чукур таъзия билдиради.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХҲҲАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Равшанбек СУЛАЙМОНОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХҲҲАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

700060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.
Факс: 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикрларидан фарқлангани мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — Реклама матнларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

50-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ.
Авали: 11487 нусха.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Аслиддин БҲҲРИЕВ.
Матн терувчи: Диффуза МАТҚҲҲБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

UCHRASHUV

Ўзининг «Жийда гуллаганда», «Анҳор бўйида» каби кўпгина кўшиқлари билан ёшлар қалбидан жой олган «Божалар» гуруҳи бугунги ўзбек эстрадасида янгича ижод услуби билан ажралиб туради. Айни пайтда «Тарона-2006» тақдироти совриндори бўлган гуруҳ йигитлари Жаҳонгир ФОЗИЛЖОНОВ ҳамда Мўмин ОРИПОВ қизгин ижод билан банд. Уларнинг фаолияти билан яқиндан танишиш истагида Жаҳонгирни суҳбатга қорладик.

Баҳор келиб, Божалар жида гуллаганда...

– Жаҳонгир, сизни «Хавfli бурилиш», «Севинч», «Севги фазоси» каби филмлар орқали мухлислар яхши билишади. Айтингчи, биринчи гада ўзингизни актёр ҳисоблайсизми ёки кўшиқчи?

– Мен ўзимни кўпроқ актёр сифатида биламан. Чунки, ҳозир Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтида актёрлик йўналиши бўйича таҳсил оляпман ва ўз ўрнида кўплаб филмларда ҳам суратга тушиб келяпман.

– Дастлаб қайси филмда рол ижро этгансиз?

– Илк бора «Мухаббат синовлари» картинасининг иккинчи қисмида эпизод ролда калтакланган бола образини гавдалантирганман. Биринчи дебют ролни «Севинч» филмида уйнаганман.

– Одатда, халқимиз аъналарига кўра, опасингилга уйланган йигитлар божа ҳисобланишади. Гуруҳингизнинг номи нега бундай аталган?

– Бунинг ўзига хос тарихи бор. Аввал қизиқчилик қилардик. Ушанда бир қизиқарли репертуарни саҳнага олиб чиққанмиз. Асар ниҳоясида ўртоғим билан опа-сингилга уйланиб, божа бўлганмиз. Шушу «Божалар» гуруҳининг номи кашф қилинди.

– Икки киши икки хил дунё. Ижод жараёнида фикрлар тўқнашуви юзага келиб қолмайдими?

– Хар бир янги ижод устида кўп тортишчи қоламиз. Лекин Мўмин ёшим катталигини инobatга олиб, ён беради.

– Кўшиқларингизни қайси студияда ёзасизлар?

– Ҳозир «Тарона рекордс» студияси билан

ҳамкорликда ишлаяпмиз.

– Кейинги пайтда ижодларингизни кузатадиган бўлсак, умуман янгича услуб...

– Биз кўпроқ халқнинг ичида юриб, уларнинг тички кечинмалари, қувончларини куйлаймиз. Асосан, кўшиқларимизда ушалмаган орзулар акс этади. Кенг оммага мўлжалланган кўшиғимизни деярли кўпчилик тинглайди.

– Бугунги ўзбек эстрадасида кимларнинг ижоди сизга кўпроқ ёқади?

– Тоҳир Содиковнинг ижодига қизиқишим бўлакча. Энди санъатга кириб келган палламизда ҳам бу инсоннинг кўмаклари бекиёс бўлган. Тўғриси айтсам, номи халқимизга таниш бўлган баъзи хонандалар бизга ёрдам бериш нари турсин, ҳатто учрашишни истамаган бир вақтда Тоҳир ака ўз ижодхонасида бизни тинглаб, кўшиқчилик соҳасидан сабоқ берган, маслаҳатини аямаган. Ҳозир ҳам «Божалар» гуруҳи билан ҳамкорлик қилаяпмиз.

– «Божалар»га кўшиқ матнини ким ёзиб беради?

– Яратилажак кўшиқ гоёсини асосан ўзимиз ўйлаб топамиз.

– Ўзбекистондан ташқарида ҳам бўлган мисизлар?

– Қозоғистон ва Қирғизистонда бир неча бор концерт дастурларимизни уюштирганмиз. Санъатга иҳлосманд қардошларимиз бизни илиқ қаршилашди.

– Бугун баъзи бир эл таниган хонандаларимиз ҳам кўчирмачиликка ўтиб олишган. Бунга «Божалар»нинг муносабати қандай?

– Иқтисодий тарафдан

«жуда қулай» услуб. Тайёр кўшиққа ўзбекча сўз ёзиб куйласангиз, боз устига тарона машхурроқ бўлса, сизни тезда танилади. Лекин бундай усул ижодкорнинг маҳоратини йўққа чиқаради.

– Ижодингизни кузатадиган бўлсак, кўшиқларингизда асосан кўча йигитларининг орзу-хаёллари акс этган.

– Уйдан кўчага чиқсангиз, ҳақиқий ҳаётни айнан шу ерда кўрасиз. Яхши-ёмон дегандай. Уйингиздан ташқарига чиқмас экансиз, ҳеч нарсани кўрмайсиз ва ҳеч нарсани ҳис қилмайсиз. Кўча дегани оддий кўча эмас. Бу — ҳақиқий ҳаёт гирдобидегани. Атрофга боқиб, бирни кўриб фикр қилсангиз, мингги кўриб шукр қиласиз. Хуллас, ҳаётда қоқилмасдан ҳалол меҳнатингиз эвазига яшашни ўрганасиз. Биз ўз кўшиғимизда мана шу ҳаётни тарғиб қиламиз. Ёшларимизга ўрناк қилиб кўрсатамиз.

– Айни пайтга қадар қандай ижодий лойиҳаларда қатнашдингиз?

– Рустам Саъдиевнинг «Пан-terra» студиясида суратга олинган «Келгинди келин» номли комедия жанрдаги филмида бош қаҳрамон образини талқин қилдим.

– Кўшиқларингиздан қайси бири ўзингизга кўпроқ манзур?

– «Анҳор бўйида» кўшиғимиздан кўнглим анча тўлди. Очиги, анҳор бўйида дам олиб чўмилмайдиган инсоннинг ўзи йўқ. Кўшиқда эса анҳор бўйидаги инсонлар ҳаёти акс этган. Айни чоғда бу кўшиқни мухлислар севиб тинглашмоқда.

Комилжон ҲАСАНОВ
суҳбатлашди

FILATELISTLAR BURCHAGI

2001 йилда чиқарилган почта маркалари

295. «Алоқа соҳасидаги Минтақавий ҳамкорликнинг 10 йиллиги» почта блоки.
2001 йил 20 июн.
Рассом У.СОЛИХОВ.



Соҳадаги Минтақавий ҳамкорлик МДХ ташкил этилгандан сўнг Ҳамдўстлик ҳудудида замонавий алоқа воситаларини тартибга солиш ва такомиллаштириш мақсадида ташкил этилган. Блокда шаҳар бинолари суратлари туширилган ер шари қисмининг кўриниши устида алоқа белгиларининг ягона рамзий тасвири акс эттирилган. Блок маркасининг ўнг томондаги юқори бурчагида Алоқа соҳасидаги Минтақавий ҳамкорлик (RSS) эмблемаси тасвирланган.

Блок бир неча рангда ишланган. Офсет усулида босилган. Ўлчами 90x70 мм. Блокдаги марка ўлчами 26x37 мм. Перфорацияси тароқсимон. Адади 20,0 минг нусха.

296. «Авесто» 2700 йиллиги» почта маркаси.
2001 йил 20 июн.
Рассом Р.ЭГАМБЕРДИЕВ.



Почта маркаси «Авесто» китобининг 2700 йиллигига бағишланган. «Авесто» — диншунослик (илоҳиёт) бўйича дунёда ёзилган биринчи китоб. Унда зардуштийлик гоёлари баён этилган. Маркада зардуштийлар рамзлари — меъморий равоқлар оралигидан кўтарилиб турган оловнинг тиллари, олд қисмида эса бургут тасвирланган.

Марка бир неча рангда ишланган. Офсет усулида босилган. Ўлчами 37x26 мм. Перфорацияси тароқсимон.

Варақдаги маркалар сони 50та. Адади 20,0 минг нусха.

Маорак кай, иш!

«Хоразм Телеком» филиали жамоаси филиал директори ўринбосари Аҳмаджон САМАНДАРОВНИ таваллуд айёми билан чин юракдан табриклайди. Унга сихат-саломатлик ва ишларида омад тилайди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Сурхондарё филиали жамоаси корхона етакчи мутахассиси Абдурашид ЮСУПОВ ҳамда бош оператор Чори ҲАЙИТОВларни туғилган кунлари билан муборакбод этади. Уларга узоқ умр, тан-сухатлик, оилавий бахт тилаб қолади.

«ЎзИ-Термиз» филиали жамоаси корхона раҳбари ўринбосари Муҳиддин ДУРДИЕВ ҳамда оператор Тамара РАҲИМОВАларни туғилган кунлари билан кутлайди. Уларга мустақам соғлиқ, ишларида ривож ва зафарлар тилайди.



Сурхон воҳасининг Боботоғ, Керагатоғ, Бойсун, Кўхитанг ва Ҳисор тоғлари этагидаги қишлоқларда истиқомат қилаётганлар кўп йиллардан бери телевизор кўриш ва радио эшитиш имкониятидан тўлиқ фойдалана олишмасди. Истиқлол нафаси бу манзилларни ҳам бебаҳра қолдирмади...